Ю. Ғ. МАҲМУДОВ

АДАБИЁТ: 4040 САВОЛГА ЖАВОБ

II ҚИСМ

Kitob quyidagi ko'rsatilgan muddatda topshirilishi shart

Oldingi foydalanishlar miqdori	

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Ю. Ғ. МАҲМУДОВ

АДАБИЁТ: 4040 САВОЛГА ЖАВОБ

II КИСМ

"FACTOR PRESS" нашриёти
ТОШКЕНТ – 2022

к йўқ.

М. Мирзнёев

сеҳру жоду-
ндадир. Тур-
ўктирганида
вур қилиш
ндирганида
аган эмиш.
да" номли
"Кафансиз
ми? Сати-
қиганлар,
жилмай-
еш ёшли
лан сайр
инг ича-
ҳаммад
ластаки,
ибарига
из Аб-
Онажо-
ли иш
чукур
и деб
йлаб
кет-
ари-
шса

ЎЗБЕКИСТОН
ЮРИСТЛАР
МИЛЛИЙ

УЎК: 821.512.133.09
КБК: 83.3(5Ў)
М 37

Масъул муҳаррир :
Т. Мирзаев
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори, филология фанлари доктори, профессор.

Тақризчилар:
А. Эшонқулов,
филология фанлари доктори, профессор;
Д. Қулматов,
филология фанлари доктори, профессор;
У. Жуманазаров
филология фанлари доктори, профессор.

Ушбу ўқув қўлланмада жаҳон ва ўзбек ёзувчи-шоирлари ва уларнинг ҳикоя, очерк, қисса, повесть, роман, диалогия, трагедия, трилогия, тетралогия, поэма, эссе, эпопея, шеърий тўпламлари ва бошқа жанрдаги асарлари ҳақида қисқа, лўнда саволларга жавоблар келтирилган.

Мазкур ўқув қўлланмадан узлуксиз таълим тизимидаги барча муассасаларнинг ўқувчи-талабалари, магистрантлар, илмий изланувчилар, профессор-ўқитувчилар шунингдек, абитуриентлар фойдаланишлари мумкин.

Термиз давлат университети Кенгашининг 2021 йил 6 майдаги 10.4.5-сон мажлиси баённомасига мувофиқ нашрга тавсия этилган.

ISBN: 978-9943-7668-4-6

© Ю. Ғ. МАҲМУДОВ, 2022.
© "Factor press" нашриёти, 2022.

СЎЗБОШИ

Китобсиз келажак йўқ.

Ш. М. Мирзиёев

Адабиёт нақадар сеҳрли олам! Унинг сеҳру жодуси инсон қалбини ларзага келтира олишидадир. Тургеневнинг Герасими ўз Мумусини сувга чўктирганида кўзига ёш келмаган китобхонни тасаввур қилиш қийин... Зайнаб Кумушга заҳар ичириб ўлдирганида Абдулла Қодирийнинг ўзи ҳам юм-юм йиғлаган эмиш. Георгий Брянцевнинг "Тиконли сим ортида" номли икки жилдли асарини ёки Шукруллонинг "Кафансиз кўмилганлар"ини йиғламасдан ўқиб бўладими? Сатира ва юмор услубида битилган асарларни ўқиганлар, агар улар тошюрак бўлсалар ҳам лоақал жилмайиб қўйишмайдими? Жюль Верннинг "Ўн беш ёшли капитан"идаги қаҳрамонлар билан бирга ҳаёлан сайр қилганлар оз бўлган дейсизми? Ғафур Ғуломнинг ичакузди ҳикояларидан кимлар завқ олмаган... Муҳаммад Юсуф шеърияти нақадар жозибали бир гулдастаки, унинг кўркига қараб кўз тўймади, мушки анбарига эса олам ифорга тўлади... Қаҳрамон шоиримиз Абдулла Орипов эса бизнинг луғат захирамизга "Онажоним-шеърият" деган иборани киритиб ўта савобли иш қилиб кетди. Бу ибораниг мазмуни ниҳоятда чуқур ва унинг ўзи адабиётни шунчаки кўнгил эрмаги деб юрганлар учун махсус илмий сабоқ ҳамдир. Ўйлаб кўринг, шеъриятни Оналар даражасига кўтариб кетди, раҳматлик шоиримиз. Қанийди, замондошларимиз ушбу ибораниг масъулиятини ҳис этиб яшаса ва ишласа...

Абдулла Қаҳҳорнинг "Адабиёт муаллими" номли машҳур ҳикоясини олайлик... Ўқувчиси (ҳикоя

BENO TAU... KUTUBXONASI
INSTITUTI ARXIV
№ 30645

бош қаҳрамонининг кайфиятлари не-не умидлар билан "муҳтарам поччаси"дан адабиёт бўйича фойдали маслаҳатлар олмоқчи, ўзи билмаган баъзи нарсалар ҳақида қимматли ва илмий маълумотлар олмоқчи бўлиб келса-ю, муҳтарам почча эса "Мукаррам (унинг хотини), товукка мояк қўйдингми, мояк қўймасанг товук дайдиб кетади" деб турса ёки қанасини териб олаётганида думи билан уриб юборгани учун сигир эмас, ҳайвон атамасига сазовор бўлса? Ана муаллимнинг савияси-ю салоҳияти, сўзамоллиги-ю "топиб айтиши"!

Сўзбоши ёзилаётган мазкур қўлланмала бунга мисолларни кўплаб топиш мумкин. Ушбу жамланмада сон-саноқсиз манбалардан бахра олинганлиги билиниб ва кўриниб турибди. Муаллиф ўта позик дид билан маълумотларни шода-шода шаклига келтира олган. Қўлланма, ўйлаймизки, ўз ўқувчиларини ихоятда шодлантиради ва уларга олам-олам маънавий ҳамда маърифий бойлик бахш этади.

Ушбу қўлланма ўзига хос тил ва адабиёт қомуси мақомига эга бўлибди, десак муболага бўлмайди. Биз фақат муаллиф меҳнатига юксак баҳо берамиз ва унга машаққатли меҳнатининг мевасини татиб кўриш лаззатини тилаб қоламиз!

Шу аснода муаллиф меҳнатига тасанно тарикасида ҳамда унинг яратган асарини шарафлаб ёзилган ва сиёҳи ҳали қуриб улгурмаган қуйидаги шеърни илова қилишни ҳам лозим топамиз:

Мангу айланади фалакнинг чархи,
Унда ажиб сирлар беркиниб ётар.
Ростини деганда, йўк эрур нархи-
Одамзот учун деб ок тонглар отар.

Ажиб ҳислар оламига гарқ бўлиб,
Жон куёв сузилар – камсуқум, камтар.
Осмонда Ой, Ердаги борлиқ бирлашиб,
Наво таратибон куй-қўшиқ айтар.

Ахилликда ёнлар бахтли яшашсин,
Хурсандчилик ошин бирга ошашсин.
Омон-омон замонамиз бор бўлсин,
Нурафшон оила бахтларга тўлсин!

Дунё болалари ўсиб, улгайиб,
Илиги тўқлашиб қадди ростланар.
Лобар қиз келинчак бўлар ажойиб,
Лутфу кутловлар ҳам устма-устланар.

Заррин гўшангага бахт-иқбол қўнсин,
Андух-армонларнинг изи қолмасин.
Она - оталарга тўйлар муборак,
Ниятлар ижобат бўлмоғи керак.

Ўғил қиз кўпайсин, ўсиб улгайсин,
Хонадон нурафшон бўлиб чулғансин.
Тўю томошадан чиқмасин бошлар,
Олтин тўй кунига етишсин ёшлар!

КИРИШ

Ўзбек тили ва адабиётидан мутахассисман, деб юрган ҳар қандай инсон фарзандидан нечта асар ва ким томонидан ҳамда қайси жанрда "Падаркуш", "Пайғамбар" ва "Пан" номларида яратилган, деб сўрасангиз, имонимиз комилки, саволингиз жавобсиз қолиши аниқ...

Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти Тошкент давлат университетига ҳар куни такси ёки хусусий енгил машинада эрталаб дарсга келувчи мухтарам(а) талабаларга эса бу тахлит саволларни беришнинг ўзи ўринсиздек туюлади. Боиси абитуриентлар учун кириш тест синовлари ношаффоф (тўғрироғи, ғирромона) ўтказилиб келинган давр "мева"лари учун бундай савол берувчининг ўзини психиатрлар экспертизасидан ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки ушбу нуфузли университетнинг айни дамдаги талабаларининг ярмидан кўпроғи "Ҳ" ва "Х" ҳарфлари қатнашувчи сўзлар имлосидан қониқарсиз баҳо олишлари тайин. Биринчидан, улар кириш имтихонларида ишю ёки баён ёзмасдан талабалик ўриндигидан жой олишган бўлсалар, иккинчидан, уларнинг аксарияти олий таълим муассасасига кириши шарт бўлганлар рўйхати орқали ўтганлардир.

Улардан рамазон, рух, рост, резавор, ранг каби сўзлар номларида акс этган асарлар ҳақида сўраб ўтиришнинг ўзи ортиқча иш. Ҳурматли Юртбошимиз кириш тест синовларини шаффоф усулда ўтказишни бошлаб берганларидан кейинги давр талабаларига шу тахлит саволлар берилса, бўлар деб ўйлаймиз.

Мактаб таълими назоратсиз қолган пайтлар, олий таълим муассасасига кирганларнинг барчаси диплом олиши шарт бўлган йиллар, таълим муассасасидек

муқаддас даргоҳни ота-ўғил, она-қиз, тоға-жиян, амма-холалар каби сулола вакил(а)лари монополияга айлантириб олган даврларнинг кадрлари ҳаминқадар савод даражалари билан мутахассис бўлганлари бор гап-ку!

Тил ва адабиётдек муқаддас даргоҳни тозалаш, дезинфекция ва дезинсекциялаш даври келди, бугун. Келди очилур чоғинг, ўзлигинг намоён қил, билимга ташна эй ёшлар! Бугун кураш майдонида мардлар ғолиб чиқиши учун ҳалол рақобат шароити яратилди. Қўрқмасдан ўз кучига ишониб ақлий жангга киришганларга толе ёр бўлади.

Бир замонлар игна билан қудуқ қазувчилар яшаб, ижод этадиган саҳна, яъни илмий-тадқиқот ва илмий ижод соҳаси бўлмиш даргоҳлар ҳам олий маълумот тўғрисидаги қимматсиз дипломларга эга бўлган Тулки жиянларга тўлиб борди. Уларнинг Шер (Арслон) тоғалари-ю, Айиқполвондай ошна оғайниларнинг ҳашарчилик ёрдамлари билан илмий даража ва унвонларга эга Тулкибек Айёровичлардек олим ва олимчалар, тўғрироғи, бойваччаю бойвуччалар кўпайиб борди. Аниқ мақсадга ўтсак, таниқли журналист ва шоир Исмоил Оллобергановнинг "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг 1984 йил 12 октябрь сонида босилган "Тулкининг кашфиёти" номли шеърини тўлиқ келтирмасак, сўзбошимиз тўлақонли бўлмай қолади, шекилли:

Амал-тақал билан у,
Дипломлик бўлиб олди.
Маслаҳатга тоғаси,
Шерникига йўл солди.
Тоға деди: "Жияжон,
Давом этказ ўқишни.
Олим бўлиб оларсан,
Ўтказиб уч-тўрт қишни.

Айиқ билан жўрамиз.
У бўлар илмий рахбар.
Асалдан бериб турсак,
Ишлар ўзи тезлашар".
Шундай қилиб Тулкивой.
Шўнғиди илмий ишга.
Айикка келар асал,
Аскотади, деб кишга.
Илмий ишнинг темаси,
"Балиқ нега гапирмас".
Тайёр бўлди хаммаси,
Уч-тўрт йил ўтар-ўтмас.
Тоғаси берди мадад,
Пучга чиқмай нияти.
Ниҳоят, ўтган кузда,
У бўлди фан кандидати.
Энди у Тулки эмас,
Тулкибек Айёрович.
Қўш китоби чиқди, бас,
Керак эмас тиргович.
Ҳамон у изланишда,
Ўрни давранинг тўри.
Алкисса, бултур ёзда,
У бўлди фан доктори.
Хўш, фанда не янгилик,
Юз берди, дерсиз балким.
Тулкибек олим бўлди,
Балиқ эса ҳамон жим!

Жамиятни илм-маърифатнинг покиза саҳнасига олиб чиқиш, билимли ва баркамол авлодни етиштириш ҳамда бундай кутлуғ ва муқаддас даргоҳларни тозалаш учун эса вакт керак бўлади. Бунда халқимизга, айниқса, ёшларимизга китобдек офтоб бегараз ёрдамга келади, албатта!

Шу аснода мазкур китоб, ўйлаймизки, айни зарур

паллада яратилган асарлар сирасига мансуб. Ундаги маълумотлар базаси илмга чанқоқ ҳар қандай талпа қалбларга чанқовбосди бўла олади. Уни ўқиганлар ва ўққанлар, албатта, сарф этган вақтларига ачинмайдилар. Аксинча, ушбу китоб исталган китоб шайдосининг жавонини безаб тура олади ва қимматли энциклопедик луғат-маълумотнома вазифасини ўтайди. Биз эса муаллифнинг сермашаққат мехнатига таҳсинлар ўқиймиз, холос! Бу қадар улкан ахборот базасини йиғиш (тўплаш), танлаш ва саралашнинг ўзи бўлмаслигини эса ақли расо китобхонлар англаб етадилар, деган умиддамиз.

Омонов Ҳожиқул Товбоевич,
педагогика фанлари доктори, профессор.

КИРИШ

Китобни ҳар гал мутолаа қилган сайин бирор-бир нарсани кашф қиласан.

Абу Райхон Беруний

Ўкув - услубий қўлланмада Замахшарий (тўлик исм-шарифи Абулқосим Махмуд ибн Умар ибн Ахмад; 1075 й., Хоразм, Замахшар кишлоги - 1144 й., хозирги Кўҳна Урганч)нинг араб грамматикаси, луғатшунослик, алабиёт, аруз илми, география, тафсир, хадис ва фикҳга оид 50 дан ортиқ асар яратганлиги ёки Мирзакалон Исмоилий (1908-1986 йй.) жаҳон адабиётининг 200 дан кўпрок намуналарини ўзбек тилига таржима килганлиги, шунингдек, мисрлик Нажиб Махфуз (1911 йилда туғилган), Нобель мукофоти совриндори (1988 й.)ни "мистер Бальзак" дейишлиги айтиб ўтилган. Бундан ташкари, немис ёзувчиси, Нобель мукофоти совриндори (1972 й.) Бёлль Генрих (1917-1985 йй.) асарлари 40 жилдли тўпламга жой бўлганлиги ёки немис прозаиги, публицист Томас Манн (1875-1955 йй.), Нобель мукофоти совриндори (1929 й.), кексайиб колган йиллари Иккинчи мавзуларига мурожаат этиб, киноя ва юморга бой "Иосиф ва унинг акалари" тетралогиясини 1933-1943 йилларда ёзганлиги зикр килингани холда, немис шоирлари, прозаик ва новеллачи, Нобель мукофоти совриндори (1910 й.) Пауль Хейзе (1830-1941 йй.) 24 жилдли новеллалар, 6 та роман, 60 га якин пьеса, 9 та шеърий тўплам муаллифи эканлиги; 1936 йили О'Нил Южин

(1888 - 1953 йй.) америкалик драматурглардан биринчи бўлиб, "фожиа жанрини янгича талқин қилувчи драматик асарларининг таъсир кучи, хаққонийлиги ва теранлиги учун" Нобель мукофоти (1936 й.) га сазовор бўлганлиги хакида маълумот берилган. Ёки Нобель мукофотининг пул қисмини ижодкорларни рағбатлантириш учун сарфлаган, адабиёт сохасида биринчи француз адиби, Нобель мукофоти совриндори (1901 й.) - Сюлли - Прюдом Рене (1839 - 1907 йй.) хамда Нобель мукофоти совриндори (1925 й.), инглиз ёзувчиси Шоу Жорж Бернард (1856-1950 йй.) каби адиб тўгрисида, шунингдек, Нобель мукофоти (1913 й.)нинг пул қисмига Хиндистон ёзувчиси Тагор Рабиндранат (Тҳакур Робиндронатҳ, 1861-1941 йй.) хусусий мактабини пулсиз ўкитиладиган университетга айлантирганлиги таъкидланган.

Нобель мукофотини адабиёт бўйича 1902 йили 85 ёшда Германия тарихчиси Теодор Моммзен (1817-1903 йй.) олганлиги ёки Нобель мукофоти совриндори (1920 й.), норвегиялик ёзувчи Гамсун (Ҳамсун) (тахаллуси; асл фамилияси Педерсен) Кнут, 1859-1952 йй.) 90 ёшда асар ёзганлиги айтилган. Нобель мукофоти совриндори (1983 й.), инглиз ёзувчиси Голдинг Уильям (1911-1993 йй.)нинг 1954 йилда "Пашшалар хукмдори" романини 21 та нашриёт кайтарганлиги; Нобель мукофоти совриндори бўлганлар - италиялик адиба Грация Деледда (1926 й.), норвегиялик адиба Унсет Сигрид (1928 й.), чилилик шоира Мистраль Габриела (1945 й.), немис шоираси Закс Нелли (1966 й.) Жанубий Африка Республикаси адибаси Гордимер Надин (1991 й.), АҚШлик негрлардан чиққан адиба Тони Моррисон (1993 й.) эканликлари, шунингдек, Нобель мукофоти совриндорлари ғайб оламига муносабат билдирган ягона романнавис, Австралия шоири, прозаик ва драматург Уайт Патрик Виктор Мартиндейл (1912-1990 йй.) эканлиги ёки Нобель муко-

фоти совриндори (1904 й.), француз адиби Фредрик Мистраль (1830-1914 йй.) мазкур мукофотнинг пул қисмига музей қурдирганлиги; новелла жанрига кореялик адиб Ким Си Сип (1435 -1493 йй.) асос солганлиги; "Одатлар ҳақидаги этюд" асари француз реалист ёзувчиси қаламига мансуб бўлиб, мазкур асар 72 та романни ўз ичига олишлиги; озарбайжонлик мумтоз шоир Насимий (тахаллуси; асл исми Али, лақаби - Имодиддин (1370 й., Шемаҳи - 1471 й., Ҳалаб)ни Миср султони Муайяддин дахрийликда айблаб, тириклайин терисини шилдиришлиги; "Зулматга қараган эшик" (1969 й.) асари муаллифи ирландиялик ёзувчи, тўққиз нафар фарзандниинг тўнғичи, Нобель мукофоти совриндори (1995 й.) Хини Паул Хейзе Шеймас (1939 йилда туғилган) эканлиги; "Иёст Берлинг ҳақида сага" (1891 й.) биринчи ва кўзга кўринган романи муаллифи швед ёзувчиси, Швеция ФА акад. (1914 й.), Нобель мукофоти совриндори (1909 й.) Лагерлёф Сольме (1858-1940 йй.)лиги; ижтимоий муаммолар мавзусида пьесалар ёзган биринчи норвегиялик ёзувчи, Нобель мукофоти совриндори (1903 й.) Бьёрнсон Бьёрнстьерне Мартиниус (1832-1910 йй.) эканлиги; Иззат Султонов билан ҳамкорликда рус адибаси Лидия Григорьевна Бать (1900 й.) Ҳамзанинг "Бой ила хизматчи", "Майсаранинг иши", "Паранжи сирлари" (1951 й.); В. Смирнов билан ҳамкорликда Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" (1958 й.) , "Меҳробдан чаён" (1961 й.) асарларининг рус тилига таржима қилганлигини; "Икки бармоғим" (1947 й.) хикояси уйғур ёзувчиси, драматург, янги давр уйғур адабиёти асосчиси Зуннун Қодирий (1912 - 1989 йй. қаламига мансублиги баён қилинган.

Зўр тасаввур буюк билимни тақозо этади.

А. С. Пушкин

1. "Забардаст кишилар" (1949 й.) асари муаллифи қайси ўзбек шоири, ёзувчи ва драматург? **Саид Назар (1909-1959 йй.).**

2. "Заболотьеда тонг отмоқда" (1951 й.) киссаси қайси белорус ёзувчиси қаламига мансуб? **Бриль Янка (1917 й.) қаламига мансуб.**

3. "Забур сураларининг шарҳи" асари қайси ўзбек шоири қаламига мансуб? **Зиё Нахшабий, Зиёддин Нахшабий (XIII аср охири, Қарши яқинидаги Нахшаб ш.; хоз. Шуллуктепа – 1350 й., Ҳиндистон, Бадоюн ш.) қаламига мансуб.**

4. "Забуре Ажам" (1927 й.) асари қайси ҳинд шоири, файласуф қаламига мансуб? **Иқбол Муҳаммад (1873 ёки 1877-1938 йй.) қаламига мансуб.**

5. "Забытая мелодия ная" (2013 й., рус тилида) китоби қайси ёзувчи қаламига мансуб? **Улуғбек Ҳамдам (Ҳамдамов Улугбек, 1968 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

6. "Заводдан қишлоққа" асари муаллифи қайси ўзбек ёзувчиси? **Ҳусайн Шаме (Шамсиддинов, 1903-1943 йй.).**

7. "Завқ" (1932 й.) шеърий тўплами муаллифи қайси ўзбек шоири, ёзувчи ва драматург, Ўзбекистон халқ шоири (1965 й.), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1944 й.)? **Собир Абдулла (тахаллуси; асл исм-шарифи Абдуллаев Собир) (1905-1972 йй.).**

8. Завқийнинг танланган асарлари нечанчи йилда

чоп этилган? **1958 йилда чоп этилган.**

9. "Загорье" (1941 й.) шеърий тўплами қайси рус шоири қаламига мансуб? **Твардовский Александр Трифонович (1910-1971 йй.) қаламига мансуб.**

10. "Зодагон Рамирес насли" романи қайси португал ёзувчиси қаламига мансуб? **Эса ди Керош (1845-1900 йй.) қаламига мансуб.**

11. "Задиг" (1748 й.) фалсафий қиссаси қайси француз ёзувчиси, файласуф, тарихчи, Франция ФА (1746 й.), Россия ФА фахрий (1746 й.) аъзоси қаламига мансуб? **Вольтер (тахаллуси, асл исм - шарифи Мари Франсуа Аруэ (1694-1778 йй.) қаламига мансуб.**

12. "Заира" (1732 й.) асари қайси француз ёзувчиси, файласуф, тарихчи, Франция ФА (1746 й.), Россия ФА фахрий (1746 й.) аъзоси қаламига мансуб? **Вольтер (тахаллуси, асл исм - шарифи Мари Франсуа Аруэ (1694 - 1778 йй.) қаламига мансуб.**

13. "Зайд ва Зайнаб" асари муаллифи қайси ўзбек ёзувчиси, тарихчи, адабиётшунос, тилшунос, санъатшунос ва сиёсатшунос олим? **Фитрат (тахаллуси; асл исм-шарифи Абдурахим ўғли Абдурауф) (1886-1938 йй.).**

14. "Зайнаб" бадиий очерки қайси ўзбек шоири, публицист, адабиётшунос, Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси (1943 й.) қаламига мансуб? **Ҳамид Олимжон (Олимжонов Ҳамид) (1909-1944 йй.) қаламига мансуб.**

15. "Зайнаб" (1914 й.) романи муаллифи қайси араб ёзувчиси? **Ҳайкал Муҳаммад (1888-1956 йй.).**

16. "Зайнабнинг касами" (1925 й.) достони муаллифи қайси рус шоири? **Бедний Демьян (тахаллуси, асл исм-шарифи – Ефим Алексеевич Придворов; 1883-1945 йй.).**

17. "Зайнаб ва Омон" (1938 й.) достони қайси ўзбек шоири, публицист, адабиётшунос, Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси (1943 й.) қаламига мансуб? **Ҳамид Олимжон (Олимжонов Ҳамид) (1909-1944 йй.) қаламига мансуб.**

18. "Зайтун барглари" (1961 й.) асари муаллифи қайси фаластинлик араб шоири, журналист, Халқаро "Нилуфар" адабий мукофоти совриндори (1969 й.) қаламига мансуб? **Дарвиш Махмуд (1941 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

19. "Зайтун терими" (1912 й.) шеърий тўплами қайси провансал шоири, Нобель мукофоти совриндори (1904 й.) қаламига мансуб? **Мистраль Фредерик (1830-1914йй.) қаламига мансуб.**

20. "Зайтунлар остидаги севги" (1924 й.) пьесаси қайси америкалик драматург, Нобель мукофоти совриндори (1936 й.) қаламига мансуб? **О'Нил Южин Гладстоун (1888 -1953 йй.) қаламига мансуб.**

21. "Зайн ул-араб" асари қайси шоир қаламига мансуб? **Сайқалий, Ҳисорий, Собирий (тахаллуси; исми Собир) (1730 й., Ҳисор - 1798 й.) қаламига мансуб.**

22. "Закаспий фронти" (1925 й.) пьесаси муаллифи қайси туркман ёзувчиси ва драматург? **Кавшўтов Ота (1903-1953 йй.).**

23. "Заки талабанинг мадрасадан ҳайдалиши" (1907 й.) асари қайси татар ёзувчиси қаламига мансуб? **Иброҳимов Галимжон Гирфанович (1887 - 1938 йй.) қаламига мансуб.**

24. "Залворли олимлар" (1977 й.) асари қайси фантаст ёзувчи ва публицист, ўзбек илмий-бадиий фантастикаси асосчиларидан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1997 й.) қаламига мансуб? **Шайхов Ҳожиакбар 1945-2002 йй., ота-боболари асли тошкентлик бўлиб, Шарқий Туркистонга кўчиб кетишган ва 1955 йили ватанига қайтишган. Тошкент политехника институтининг энергетика факультетини тугатган (1971 й.) қаламига мансуб.**

25. "Залолатга ботма, эй инсон" (2017 й.) аса-

ри қайси ўзбек ёзувчиси. Ўзбекистон халқ ёзувчиси (2000 й.) қаламига мансуб? **Тохир Малик (тахаллуси; асл исм-шарифи Ҳобилов Тохир Абдумаликович) (1946 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

26. "Замахшар шодалари" (2011 й.) шеърий тўплами қайси ўзбек шоири қаламига мансуб? **Фозил Зохил (тахаллуси; асл исм-шарифи Фозил Зохидов) (1926-2013 йй.) қаламига мансуб.**

27. Замахшарий (тўлиқ исм-шарифи Абдулқосим Махмуд ибн Умар ибн Ахмад) (1075 й., Хоразм, Замахшар қишлоғи - 1144 й., хоз. Кўҳна Урганч) қанча асар яратган? **Араб грамматикаси, луғатшунослик, адабиёт, аруз илми, география, тафсир, ҳадис ва фиқҳга оид 50 дан ортиқ асар яратган.**

28. "Замбия овозлари" ҳикоялар мажмуаси қайси замбиялик адиб қаламига мансуб? **М. Лиеванисо қаламига мансуб.**

29. "Замин дарғаси" (1925 й.) тўплами қайси рус шоири қаламига мансуб? **Есенин Сергей Александрович (1895-1925 йй.) қаламига мансуб.**

30. "Замин душманлари" романи қайси доимий қаламкаш ёзувчи қаламига мансуб? **А. Ф. Рекемчи қаламига мансуб.**

31. "Замин дўзахи" (1937 й.) романи қайси индонезиялик ёзувчи қаламига мансуб? **Искандар Нур Сулейман (Нурсинах Искандар тахаллуси билан ҳам ижод этган, 1893 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

32. "Замин кўзлари" кундаликлари (1957 йил эълон қилинган) асари қайси рус ёзувчиси қаламига мансуб? **Пришвин Михаил Михайлович (1873 - 1954 йй.) қаламига мансуб.**

33. "Замин кўрки" (1979 й.) шеърий тўплами қайси ўзбек шоири, таржимон қаламига мансуб? **Қосимов Аскар (1946-1985 йй.) қаламига мансуб.**

34. "Замин овози" шеърлар китоби қайси Бело-

руссия халқ шоири (1926 й.), Белоруссия ФА акад. (1928 й.), вице-президенти (1929-1956 йй.) қаламига мансуб? Нечанчи йилларда Тошкентда яшаган? **Колас Якуб (асл исм-шарифи Константин Михайлович Мишкевич; 1882-1956 йй.) қаламига мансуб. 1941-1943 йилларда Тошкентда яшаган.**

35. "Замин оқими" (1968 й.) асари қайси қорақалпоқ шоири ва драматург, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири (1975 й.), Ўзбекистон Қаҳрамони (2004 й.) қаламига мансуб? **Юсупов Ибраим (1929 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

36. "Замин садоси" достони қайси Ўзбекистон халқ шоири (1999 й.) қаламига мансуб? **Ҳабиб Саъдулла (тахаллуси; асл исм-шарифи Саъдуллаев Ҳабибулла) (1942 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

37. "Замин чиройи" (1980 й.) достони қайси болқор шоири қаламига мансуб? **Кулиев Қайсин Шуваевич (1917-1985 йй.) қаламига мансуб.**

38. "Замин шайдоси" (1990 й.) публицистик асари қайси фантаст ёзувчи ва публицист, ўзбек илмий-бадиий фантастикасининг асосчиларидан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1997 й.) қаламига мансуб? **Шайхов Ҳожиакбар 1945-2002 йй., ота-боболари асли тошкентлик бўлиб, Шарқий Туркистонга кўчиб кетишган ва 1955 йили ватанига қайтишган. Тошкент политехника институтининг энергетика факультетини тугатган (1971 й.) қаламига мансуб.**

39. "Заминдан олис кетма" драмаси қайси ўзбек ёзувчиси, шоир, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист (2001 й.) қаламига мансуб? **Кўчқор Норқобил (1967 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

40. "Замира ҳаётидан бир кун" киссаси қайси публицистик адиб қаламига мансуб? **Муҳаммад Салоҳ ал-Жабрий қаламига мансуб.**

DENOV TADBIRKORLIK VA PEDAGOGIKA INSTITUTI ARM № 30643

41. "Заминда яшаймиз" (1971 й.) достони муаллифи қайси ўзбек адиби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1992 й.)? **Муҳаммад Али (тахаллуси; асли исм-шарифи Аҳмедов Муҳаммад Али), (1942 йилда туғилган).**

42. "Замон драмаси" (1968 й.) пьесаси муаллифи қайси ўзбек ёзувчиси, драматург, адабиётшунос, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Халқаро "Нилуфар" адабий мукофоти совриндори? **Азимов Сарвар Олимжонович (1923 - 1994 йй.).**

43. "Замон зайли" (1987 й.) асари муаллифи қайси Ўзбекистон халқ шоири (1997 й.), Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори (1994 й.)? **Бойқобилов Барот Тиллаевич (1937 - 2006 йй.).**

44. "Замон зайли" романи қайси рус ёзувчиси, Петербург ФА мухбир аъзоси (1860 й.) қаламига мансуб? **Гончаров Иван Александрович (1822 - 1891 йй.) қаламига мансуб.**

45. "Замон овози" (1966 й.) достони қайси Қирғизистон халқ шоири (1945 й.), Қирғизистон ФА акад. (1954 й.), Қирғизистон Ёзувчилар уюшмаси бошқаруви раиси (1934-1949 йй.) қаламига мансуб? **Тўқумбоев Аали (тахаллуслари Балқа, Чалқар) (1904-1988 йй.) қаламига мансуб.**

46. "Замон садоси" (1963 й.) драмаси қайси ўзбек драматурги қаламига мансуб? **Собиров Турсун (1923-1976 йй.) қаламига мансуб.**

47. "Замон фарзандлари" (1959 й.) шеърий тўплами қайси Ўзбекистон халқ шоири (1974 й.) қаламига мансуб? **Ҳабибий (тахаллуси; асл исм-шарифи Зокиржон Холмуҳаммад ўғли) (1890-1980 йй.) қаламига мансуб.**

48. "Замон торлари" (1949 й.) шеърий тўплами қайси шоир, драматург, адабиётшунос, таржимон, педагог қаламига мансуб? **Шайхзода, Мақсуд Шайхзода (1908 й., Озарбайжон Республикаси, Октош ш. - 1967 й. Тошкент) қаламига мансуб.**

49. "Замон. Қалб. Поэзия" (1962 й.) китоби қайси адабиётшунос олим, танқидчи, Ўзбекистон Қаҳрамони (2002 й.) қаламига мансуб? **Шарафиддинов Озод Обидович (1929-2005 йй.) қаламига мансуб.**

50. "Замон қўнғироғи" (1990 й.) шеърий тўплами қайси ўзбек шоири, ёзувчи қаламига мансуб? **Жонибек Субҳон (тахаллуси; асли исм-шарифи Жонибек Сувонқулов) (1944-2008 йй.) қаламига мансуб.**

51. "Замона зайли" (2006 й.) асари қайси ёзувчи қаламига мансуб? **Отаули (асли Раҳимжон (1948 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

52. "Замона кимники" асари қайси ўзбек шоири қаламига мансуб? **Завқий (тахаллуси; асл исм-шарифи Убайдулло Солиҳ ўғли) (1853-1921 йй.) қаламига мансуб.**

53. "Замон ҳукми" (1968 й.) достони қайси ўзбек шоири, драматург, кино сценарист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1962 й.) қаламига мансуб? **Туроб Тўла (тахаллуси; фамилияси Тўлахўжаев, 1918-1990 йй.) қаламига мансуб.**

54. "Замонавий грек аёлининг тарихи" (1740 й.) романи қайси француз ёзувчиси қаламига мансуб? **Прево д'Экзиль Антуан Франсуа (1697 - 1763 йй.) қаламига мансуб.**

55. "Замонавий тарих" (1897 й.) трилогияси қайси француз романнависи, танқидчи, Нобель мукофоти совриндори (1921 й.) қаламига мансуб? **Анатоль Франс (1844-1924 йй.) қаламига мансуб.**

56. "Замонавий утопия" (1905 й.) романи муаллифи қайси инглиз ёзувчиси? **Уэллс Герберт Жорж (1866-1946 йй.).**

57. "Замонавий шеърлар" (1842 й.) поэмаси қайси немис шоири, публицист, танқидчи ва мутафаккир қаламига мансуб? **Гейне Мансуб (1797-1856 йй.)**

каламига мансуб.

58. "Замонамиз кишилари" (1948 й.) асари қайси Қирғизистон ФА акад. (1954 й.). Қирғизистон халқ ёзувчиси (1968 й.) қаламига мансуб? **Сидиқбеков Тўғалбой (1912-1998 йй.) қаламига мансуб.**

59. "Замонамиз қаҳрамони" (1840 й.) романи қайси рус шоири қаламига мансуб? **Лермонтов Михаил Юрьевич (1814-1841 йй.) қаламига мансуб.**

60. "Замонамиздаги қуллик" (1899-1900 йй.) асари муаллифи қайси рус ёзувчиси? **Толстой Алексей Николаевич (1882-1945 йй.).**

61. "Замондош ўртоқларга" (1972 й.) асари муаллифи қайси рус шоири? **Шчипачев Степан Петрович (1898 й.).**

62. "Замондошим тарихи" (1922 й.) автобиографик асари муаллифи қайси рус ёзувчиси, публицист. Петербург (1900-1902 йй.) ва Россия (1918 й.) ФА фахрий аъзоси? **Короленко Владимир Галактионович (1853-1921 йй.).**

63. "Замондошим портретига чизгилар" (2012 й.) қайси ўзбек шоири, таржимон, олим, Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1992 й.) қаламига мансуб? **Муҳаммад Али (тахаллуси; асли исм-шарифи Аҳмедов Муҳаммад Али), (1942 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

64. "Замондошлар" (1948 й.) пьесаси муаллифи қайси қирғиз ёзувчиси, драматург; Тўхтагул Сотиғонов номидаги Давлат мукофоти совриндори (1967 й.)? **Абдумўминов Тўқтабўлат (1922 йилда туғилган).**

65. "Замондошлар" (1952 й.) асари муаллифи қайси рус ёзувчиси? **Полевой Борис Николаевич (тахаллуси, асл исм-шарифи – Кажнов) (1908 й.).**

66. "Замондошлар" (1955 й.) киссаси муаллифи қайси туркман ёзувчиси, Махтумқули номидаги Туркманистон Давлат мукофоти совриндори (1966 й.), Туркманистон халқ ёзувчиси (1967 й.), Туркманистон ФА акад. (1969)? **Сейтоқов Беки (1914 йилда туғилган).**

67. "Замондошлар ҳақида афсона" (1962 й.) киссаси қайси қозоқ ёзувчиси, Қозоғистон ФА акад. (1954 й.), Абай номидаги Қозоғистон Давлат мукофоти совриндори (1967 й.) қаламига мансуб? **Муқонов Собит Муқонович (1900 -1973 йй.) қаламига мансуб.**

68. "Замондошларим" (1971 й.) поэмаси муаллифи қайси қорақалпоқ болалар шоири? **Сапаров Холмурат (1932 й.).**

69. "Замондошларим" (1950 й.) асари қайси рус ёзувчиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1974 й.), Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори (1983 й.) қаламига мансуб? **Удалов Александр Андреевич (1914 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

70. "Занғезур миси" (1927 й.) очерки муаллифи қайси рус адибаси? **Шагинян Мариэтта Сергеевна (1888 йилда туғилган). Филология фанлари доктори (1946 й.), Арманистон ФА мухбир аъзоси (1950 й.), Меҳнат Қаҳрамони (1976 й.).**

71. "Занга сохилларида" (1947 й.) асари қайси арман шоири қаламига мансуб? **Капутикян Сильва (Сирвард) Барунаковна (1919 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

72. "Занғори гилам" (1939 й.) достони қайси ўзбек шоири қаламига мансуб? **Султон Жўра (тахаллуси; асл исм-шарифи Жўраев Султон) (1910 -1943 йй.) қаламига мансуб.**

73. "Занғори овоза" (1979 й.) асари қайси ўзбек адиби қаламига мансуб? **Турсун Али (1952 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

74. "Занғори олов кишилари" (1961 й.) киносценарийси қайси Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1976 й.), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1966 й.), Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори (1983 й.), драматург қаламига мансуб?

Иброҳим Раҳим (тахаллуси, тўлиқ исм-шарифи Раҳимов Иброхим Абдурахимович) (1916-2001 йй.) қаламига мансуб.

75. "Зангори кема капитани" (1960 й.) киссаси қайси Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1976 й.), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1966 й.), Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори (1983 й.), драматург қаламига мансуб? **Иброхим Рахим (тахаллуси, тўлиқ исм-шарифи Рахимов Иброхим Абдурахимович) (1916-2001 йй.) қаламига мансуб.**

76. "Зангори кўл" асари қайси ўзбек ёзувчиси қаламига мансуб? **Норқобилов Нормурод (1953 йилда туғилган) каламига мансуб.**

77. "Зангори осмон" (Ўзбекистон ҳақида) очерки муаллифи қайси Озарбайжон халқ ёзувчиси (1961 й.), Озарбайжон ФА акад. (1945 й.)? **Иброхимов Мирза Аждар ўғли (1911 йилда туғилган).**

78. "Зангори тоғлар" (1964 й.) асари қайси козок ёзувчиси, Абай номидаги Қозогистон Давлат мукофоти (1967 й.) ва Халқаро Неру мукофоти совриндори (1969 й.) қаламига мансуб? **Олимжонов Анвар (Алимжонов Ануар) (1930 йилда туғилган) каламига мансуб.**

79. "Зангори уфқлар" (1978 й.) биринчи шеърий тўпламн қайси ўзбек шоири, ёзувчи қаламига мансуб? **Жонибек Субҳон (тахаллуси; асли исм-шарифи Жонибек Сувонкулов) (1944-2008 йй.) қаламига мансуб.**

80. "Занжир жафосини тортган бола" (1913 й.) романи қайси француз ёзувчиси, Франция ФА аъзоси, Нобель мукофоти совриндори (1952 й.) қаламига мансуб? **Франсуа Мориак (1885-1970 йй.) қаламига мансуб.**

81. "Занжирбанд Промстей" драмаси қайси юнон драматург, "трагедиянинг отаси" қаламига мансуб?

Эсхил (мил. авв. 525 - 456 йй.) қаламига мансуб.

82. "Занжирбанд шер" тарихий ҳикояси қайси ёзувчи қаламига мансуб? **Отаули (асли Рахимжон (1948 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

83. "Занжирлар" (1927 й.) новелласи муаллифи қайси Америка ёзувчиси? **Драйзер Теодор Герман Альберт (1871-1945 йй.).**

84. "Зар" (1931 й.) поэмаси муаллифи қайси ўзбек ёзувчиси? **Ҳусайн Шамс (Шамсиддинов, 1903-1943 йй.).**

85. "Зар кокилли бегижаҳон афсонаси" асари қайси шоир қаламига мансуб? **Чўлпон Эргаш (1937-2015 йй.) қаламига мансуб.**

86. "Заранг барги" (1960 й.) асари қайси украин ёзувчиси қаламига мансуб? **Ле Иван (тахаллуси; асл исм-шарифи Мойся Иван Леонтьевич) (1895 - 1948 йй.) қаламига мансуб.**

87. "Зарафшон мавжлари" (самарқандлик ижодкорлар) баёзи қайси ўзбек шоири қаламига мансуб? **Тошев Фармон (1954 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

88. "Зарафшон ҳикоялари" (1943 й.) асари қайси рус ёзувчиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1969 й.) қаламига мансуб? **Шевердин Михаил Иванович (1899-1969 йй.) қаламига мансуб.**

89. "Зарафшон зарлари" (1970 й.) шеърий тўплами қайси ўзбек адиби, Ўзбекистон халқ шоири (2000 й.), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими қаламига мансуб? **Нарзуллаев Нормурод (1934-2006 йй.) қаламига мансуб.**

90. "Зарафшон қизи" (1961 й.) сахна асари қайси ўзбек шоири ва драматург қаламига мансуб? **Дўпан Файзий (1927 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

91. "Зарб" (1987 й.) асари қайси ўзбек адиби қаламига мансуб? **Зоҳир Аълам (1943-2014 йй.) қаламига мансуб.**

92. "Зарбачи қиз" (1932 й.) шеърий тўплами қайси

ўзбек шоири қаламига мансуб? **Ҳасан Пўлат (1911-1942 йй.) қаламига мансуб.**

93. "Зарбачи ерлар" шеъри қайси ўзбек шоири, драматург, таржимон қаламига мансуб? **Амин Умарий (1913-1942 йй.) қаламига мансуб.**

94. "Зарбулмасал" асари муаллифи қайси ўзбек шоири, масалнафис? **Гулханий Муҳаммад Шариф (XVIII аср охири - XIX аср боши, Қўқон).**

95. "Зарвон аҳли қиссаси" эртаги қайси шоир ва мутафаккир қаламига мансуб? **Румий Жалолиддин (1207-1273 йй.) қаламига мансуб.**

96. "Зарема" (1963 й.) асари қайси Доғистон халқ шоири (1959 й.) қаламига мансуб? **Ҳамзатов Расул Ҳамзатович (1923-2003 йй.) қаламига мансуб.**

97. "Зарина ва Стриангей" - тарихий қиссаси қайси юнон тарихчиси қаламига мансуб? **Ктесий (мил. авв. 400 й.).**

98. "Заримбетнинг ҳаяжони" (1958 й.) достони қайси Қорақалпоғистон халқ шоири (1942 й.), Ўзбекистон халқ ҳофизи (1957 й.) қаламига мансуб? **Нуримбетов Содиқ (1900-1972 йй.) қаламига мансуб.**

99. "Зарҳал аср" (1873 й., ҳ. Уорнер билан ҳамкорликда) романи қайси америкалик ёзувчи қаламига мансуб? **Твен Марк (тахаллуси; асл исм-шарифи Сэмюэл Ленгхори Клеменс) (1835-1910 йй.) қаламига мансуб.**

100. "Зарбулмасал" асари қайси ўзбек шоири ва хаттот қаламига мансуб? **Рожий (тахаллуси; тўла исми Сулаймонқул уста Суяркул ўғли, 1871-Қўқон - 1924 йй.) қаламига мансуб бўлиб, 880 мисрадан иборат шеър, 400 дан ортиқ мақол ва ҳикматли сўзларни ўз ичига олган.**

101. "Зарра ва хуршид" достони муаллифи қайси Шарқ шоири? **Зилолий Хонсорий (туғилган йили номаълум-1616 й.). Ҳаким Хонсорий номида ҳам**

асарлар ёзган. Сафавийлар Аббос I (1587-1616 йй.) замонида яшаган.

102. "Зарралар" (1973 й.) шеърий тўплами қайси Ўзбекистон халқ шоири (1981 й.), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1977 й.), Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори (1994 й.) қаламига мансуб? **Шукрулло (Юсупов) (1921 й.) қаламига мансуб.**

103. "Зарралар" (1911 й.) асари қайси турк шоири, публицист қаламига мансуб? **Акиф Мехмет (тахаллуси; асл исми Эрсей, Мулла Сурат исми билан ҳам танилган) (1873-1936 йй.).**

104. "Заррин япроқлар" (2006 й.) шеърий тўплами қайси ўзбек шоири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1999 й.) қаламига мансуб? **Ғулом Шомурод (1937 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

105. "Зарурий давлат қонунлари ҳақида мулоҳазалар" (1780 й.) асари қайси рус ёзувчиси қаламига мансуб? **Фонвизин Денис Иванович (1744-1792 йй.) қаламига мансуб.**

106. "Застрощи" (1810 й.) романи тўплами қайси инглиз шоири қаламига мансуб? **Шелли Перси Бишш (1792-1822 йй.) қаламига мансуб.**

107. "Зафар" (1929 й.) драмаси қайси ўзбек адиби қаламига мансуб? **Усмон Носир (1912-1944 йй.) қаламига мансуб.**

108. "Зафар" (1929 й.) шеърий тўплами муаллифи қайси ўзбек шоири ва ёзувчи, Ўзбекистон халқ шоири (1971 й.)? **Миртемир (тахаллуси; асл исм-шарифи Турсунов Миртемир) (1910-1978 йй.).**

109. "Зафар" (1955 й.) драмаси қайси ўзбек драматурги қаламига мансуб? **Исмоилов Умаржон (1906 й.) қаламига мансуб.**

110. "Зафарлардан зафарларга" (1936 й.) шеърлар тўплами қайси қорақалпоқ ёзувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1957 й.) қаламига мансуб? **Бегимов Асан Изимович (1907-1958 йй.)**

қаламига мансуб.

111. "Зафар байроғи" (1934 й.) достони муаллифи қайси тожик шоири, драматург; Тожикистон халқ шоири (1962 й.)? **Миршакар (тахаллуси; асл исм-шарифи Миршакаров Мирсаид) (1912-1993 йй.).**

112. "Зафар дарвозаси" (1946 й.) асари қайси немис ёзувчиси қаламига мансуб? **Ремарк Эрих Мария (1898-1970 йй.) қаламига мансуб.**

113. "Зафар йўли" (1918 й.) шеърий тўплами қайси турк шоири қаламига мансуб? **Мехмет Эмин (тахаллуси; Юрдакул) (1869-1944 йй.) қаламига мансуб.**

114. "Зафар Меҳроби" (1913 й.) тарихий романи қайси рус ёзувчиси, драматург қаламига мансуб? **Брюсов Валерий Яковлевич (1873-1924 йй.) қаламига мансуб.**

115. "Зафар таронаси" (1942 й.) тўплами қайси ўзбек шоири ва драматург, Ўзбекистон халқ шоири (1965 й.), Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси (1974 й.), Меҳнат Қаҳрамони (1985 й.) қаламига мансуб? **Уйғун (тахаллуси; асл исм-шарифи Отақўзиев Раҳматулла) (1905 -1990 йй.) қаламига мансуб.**

116. "Зафар ва Заҳро" (1950 й.) достони муаллифи қайси ўзбек шоири, ёзувчи, адабиётшунос олим, Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1965 й.), Ўзбекистон ФА академиги (1943 й.)? **Ойбек (тахаллуси, асл исм-шарифи Муса Тошмуҳаммад ўғли, 1905 –1968 йй.).**

117. "Зафарнома" (1419-1425 йй.) асари муаллифи қайси тарихчи ва шоир? **Шарафиддин Али Яздий (туғилган йили номаълум – 1454 й.). Темурий давларида яшаб ижод этган. Асари форс тилида Шарқда ёзилган.**

118. "Зафарнома" (1939 й.) достони К. Яшин ва С. Абдулла билан ҳамкорликда саҳна асари қайси ўзбек шоири, драматург, таржимон қаламига мансуб? **Чустий (тахаллуси; асл исм-шарифи Хўжаев Набихон) (1904 - 1983 йй.) қаламига мансуб.**

119. "Зафарнома шарҳий" ҳажвий асари қайси турк шоири, публицист ва мутафаккир қаламига мансуб? **Зиёпошшо Абдулҳамид Зиёбек (1825 - 1881 йй.) қаламига мансуб.**

120. "Заъфарон кўчасидаги ҳангомалар" романи қайси мисрлик шоир қаламига мансуб? **ал-Ҳитаний қаламига мансуб.**

121. "Заҳар бургут" (1883 й.) асари қайси украин ёзувчиси қаламига мансуб? **Франко Иван Яковлевич (1856-1916 йй.) қаламига мансуб.**

122. "Заҳар хандалар" (1932 й.) асари қайси ўзбек болалар шоири, таржимон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1970 й.) қаламига мансуб? **Илёс Муслим (1909 й.) қаламига мансуб.**

123. "Заҳар қиз" (1949 й.) романи муаллифи қайси хинд ёзувчиси? **Сукумарен Поттеккат.**

124. "Заҳарланган дарахт" (1872 й.) романи қайси хинд ёзувчиси, шоир қаламига мансуб? **Чоттопадҳая Бонкимчондро (1838-1894 йй.) қаламига мансуб.**

125. "Заҳарланган минтақа" (1913 й.) илмий-фантастик асари муаллифи қайси инглиз ёзувчиси? **Дойл Артур Конан (1859-1930 йй.).**

126. "Заҳарланган ҳаёт" асари қайси муаллиф қаламига мансуб? **Ҳамза Ҳакимзода қаламига мансуб.**

127. "Заҳарли най" (1924 й.) шеърий тўплами қайси бенгал шоири қаламига мансуб? **Назрул Ислом (1899-1976 йй.) қаламига мансуб.**

128. "Заҳарли губор" (1974 й.) қиссаси қайси ўзбек ёзувчиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси (2000 й.) қаламига мансуб? **Тоҳир Малик (тахаллуси; асл исм-шарифи Ҳобилов Тоҳир Абдумаликович) (1946 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

129. "Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари" (1915 й.) саҳна асари қайси Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1926 й.) қаламига мансуб? **Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий (1889-**

1929 йй.) каламига мансуб.

130. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома" асарида канча турли даражадаги қаҳрамонлар бўлиб, муаллиф уларнинг ҳар бирига жуда катта эътибор билан ёндашган ва шу билан ўша давр воқеа-ҳодисаларини жуда холисона тасвирлаб, биз авлодлар учун ёркин манзара яратиб берган? **500 дан ортиқ.**

131. Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530 йй.)нинг бизгача канча шеъри етиб келган? **400 дан ортиқ шеъри етиб келган.**

132. Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530 йй.)нинг бизгача етиб келган шеъридан нечтаси ғазал? **119 таси ғазал.**

133. Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530 йй.)нинг бизгача етиб келган шеърлари нечтаси рубоий? **231 таси рубоий.**

134. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Мухтасар" орзу вазни назарияси ҳақидаги асари тахминан нечанчи йилларда ёзилган? **Тахминан 1521 - 1523 йилларда ёзилган.**

135. "Заҳириддин Муҳаммад Бобур" (1996 й.) асари қайси рангтасвир устаси, Ўзбекистон БА акад. (1997 й.), Ўзбекистон халқ рассоми (1989 й.) каламига мансуб? **Умарбеков Жавлон Юсупович (1946 йилда туғилган) каламига тегишли.**

136. "Заҳҳок салтанатида" (1994 й.) шеърий тўпламн қайси ўзбек шоири каламига мансуб? **Жамол Сирожиддин (1955-2015 йй.) каламига мансуб.**

137. "Заҳҳоки Морон" (4 пардали драма, 1920 й.) драмаси муаллифи қайси ўзбек журналисти, драматург, танқидчи, таржимон? **Ғози Юнус (ғахалуси; асл-нем шарифи Юнусов Ғози Муҳаммад) (1887-1942 йй.)**

138. "Заҳҳоки Марон" саҳна асари қайси тожик шоири ва мутафаккир каламига мансуб? **Фирдавсий Абулқосим Ҳусайн (тахм. 934 - Тус ш. - 1030 йй.) каламига мансуб.**

139. "Заҳронинг имони" (1928 й.) драматик асари муаллифи қайси ўзбек ёзувчиси, тарихчи, адабиётшунос, тилшунос, санъатшунос ва сиёсатшунос олим? **Фитрат (тахаллуси; асл нем-шарифи Абдураҳим ўғли Абдурауф) (1886-1938 йй.).**

140. "Звонкое детство" (1981 й., рус тилида) асари муаллифи қайси шоир. Қирғизистонда хизмат кўрсатган маданият арбоби қаламига мансуб? **Адашбоев Турсунбой (1939 йилда туғилган) каламига мансуб.**

141. "Звонковоега келинг" (1946 й.) асари муаллифи қайси украин драматурги ва давлат арбоби, Украина ФА (1939 й.), собиқ Иттифоқ ФА акад. (1943 й.)? **Корнейчук Александр Евдокимович (1905-1972 йй.).**

142. "Зеби, Зеби" асари қайси Ўзбекистон халқ шоири (1998 й.) қаламига мансуб? **Муҳаммад Юсуф (тахаллуси; асл нем-шарифи Юсупов Муҳаммаджон) (1954-2001 йй.) каламига мансуб.**

143. "Зебо" асари муаллифи қайси ўзбек шоири? **Шавқий Намангоний (тахаллуси; асл нем-шарифи Мулла Шамси Мулла Ҳусан ўғли) (1805 - 1889 йй.).**

144. "Зебо" (1957 й.) шеърлар тўплами муаллифи қайси қорақалпоқ шоири ва драматург, Қорақалпоғистон халқ шоири (1985 й.)? **Сейтжанов Тожетдин (1924-1998 йй.).**

145. "Зебо санамлар" асари қайси ўзбек шоири каламига мансуб? **Мискин Мулла Қўшоқ Тошмуҳаммад ўғли (1880-1937 йй.) каламига мансуб.**

146. "Зое айлаб" (1921 й.) асари қайси ўзбек шоири каламига мансуб? **Мискин Мулла Қўшоқ Тошмуҳаммад ўғли (1880-1937 йй.) каламига мансуб.**

147. "Зебузар детектив қисса" (2004 й.) асари муаллифи қайси ўзбек ёзувчиси ва драматург? **Набижон**

Ҳошимов (1957 йилда туғилган).

148. Зебуннисо бегим [(1643-1721 й.) - шоира, маърифатпарвар. Бобурийлар сулоласидан Аврангзебнинг қизи, онаси Дилрасобону Гулбадан бегимнинг авлодларидан]га ўша даврнинг машҳур олими кимни унга муаллим қилиб тайинланган? **Муллo Мухаммад Саид Ашраф Исфахонийни унга муаллим қилиб тайинланган. Зебуннисо бегим бу олимнинг тарбиясида забардаст шоира, олима, созанда ва хаттот бўлиб вояга етган.**

149. Зебуннисо бегим [(1643-1721 йй.) - шоира, маърифатпарвар. Бобурийлар сулоласидан Аврангзебнинг қизи, онаси Дилрасобону Гулбадан бегимнинг авлодларидан]нинг ким билан мушоираларни қилиши икки буюк талант меҳнатига барҳаётлик бағишлаган? **Бедил мушоиралар қилиши икки буюк талант меҳнатига барҳаётлик бағишлаган.**

150. Зебуннисо бегимнинг нечта қасидаси сақланиб қолинган? **7 та қасидаси сақланиб қолинган.**

151. Зебуннисо бегимнинг баъзи манбаларда қандай тахаллус билан ижод қилгани айтилган? **"Махфий" тахаллус билан ижод қилгани айтилган.**

152. Зебуннисо бегим қаердаги қайси қабристондаги қимлар ёнида дафн қилинган? **Дехлидаги "Зарзари" қабристонига Низомиддин Авлиё Амир Хусав Дехлавий ёнида дафн қилинган.**

153. Зебуннисо бегимнинг неча мисрали бир девони (ғазаллари) сақланиб қолинган? **8000 мисрали бир девони (ғазаллари) сақланиб қолинган.**

154. Зебуннисо бегимнинг асосий машғулоти нималар бўлган? **Шеърият, мусиқа, илм бўлган.**

155. Зебуннисо бегим ижодининг баъзи томонларини қайси адиб фалсафасига ҳамоҳанг? **Бедил фалсафасига ҳамоҳанг.**

156. "Зебуннисо бегим" (1982 й.) тарихий драмаси қайси ўзбек шоири ва драматург. Ўзбекистон халқ шоири (1965 й.). Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси (1974 й.). Меҳнат Қаҳрамони (1985 й.) қаламига мансуб? **Уйғун (тахаллуси; асл исм-шарифи Отақўзиев Раҳматулла) (1905 -1990 йй.) қаламига мансуб.**

157. "Зеко" (1950 й.) асари муаллифи қайси америкалик ёзувчи, Нобель мукофоти совриндори (1938 й.)? **Пёрл Бак.**

158. "Зелдьвила кишилари" (1-2-китоб, 1856-1874 йй.) асари қайси швейцариялик ёзувчи қаламига мансуб? **Келлер Годфрид (1819-1890 йй.) қаламига мансуб.**

159. "Зенобия Пальмура" (1920) киссаси қайси поляк ёзувчиси қаламига мансуб? **Ивашкевич Ярослав (1894 й.) қаламига мансуб.**

160. "Зеҳни аъло, тили бурро" (2012 й.) шеърий тўплами қайси шоир қаламига мансуб? **Мухиддин Омон (1963 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

161. "Зиддиятлар" (1847 й.) асари муаллифи қайси рус ёзувчиси? **Салтиков Михаил Евграфович, Салтиков-Шчедрин (асл фамилияси Салтиков; тахаллуси - Н. Щчедрин) (1826-1889 йй.).**

162. "Зиё нодирликлари" асари қайси ўзбек шоири, олим қаламига мансуб? **Зиё (тахаллуси; асл исм-шарифи Мирза Мухаммад Шариф Садр ибн Абдишукур) (1867-Бухоро -1932 йй.) қаламига мансуб.**

163. "Зиёбахш симлар" (1927 й.) асари қайси рус шоири қаламига мансуб? **Исаковский Михаил Васильевич (1900 й.) қаламига мансуб.**

164. "Зиёда" пьесаси қайси қорақалпоқ адиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ артисти (1973 й.), Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат мукофоти совриндори (1960) қаламига мансуб? **Хўжаниёзов Сапар (1913 - 1983 йй.) қаламига мансуб.**

165. "Зиёд ва Адиба" (1954 й.) ўзбек адабиётида 1-шеърий романи қайси ўзбек шоири, романнавис, Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1981 й.) қаламига мансуб?

Мирсаидов Мирмухсин (1921-2005 йй.) каламига мансуб.

166. "Зиёда–Шомурод" поэмаси муаллифи кайси қозоқ шоири? **Орин Тангирбергенов (Мухамадғариб) (1856-1924 йй.).**

167. "Зиёлилар палатаси" (1921 й.) киссаси муаллифи қайси литвалик ёзувчи? **Венуолис Антанас (тахаллуси; фамилияси - Жукаускас; 1882 - 1957 йй.).**

168. "Зиёрат" шеърий тўплами қайси Ўзбекистон халқ шоираси (1992 й.) каламига мансуб? **Хожиева Ойдин (1942 йилда туғилган) каламига мансуб.**

169. "Зиёрат" (2008 й.) асари муаллифи қайси ўзбек ёзувчиси, драматург, публицист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1990 й.)? **Иброхимов Абдуқаххор Абдусаматович (1939 йилда туғилган).**

170. "Зиёрат ва дунё кезиш йиллари" (1888 й.) шеърлар тўплами қайси шведшоири ва ёзувчи, Швеция ФА акад. (1912 й.), Нобель мукофоти совриндори (1916 й.) каламига мансуб? **Хейденстам Карл Густав Верпер фон (1859 - 1940 йй.) каламига мансуб.**

171. "Зиёфат" (1990 й.) пьесаси қайси Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1991 й.) каламига мансуб? **Холмирзаев Шукур (1940-2005 йй.) каламига мансуб.**

172. "Зиёфат" хажвий дилоги қайси Қадимги Юнон хажвиянавис ёзувчиси каламига мансуб? **Лукиан (тахм. 120 й., Сурия - 180 й., Миср) каламига мансуб.**

173. "Зиёфат" драмаси қайси ўзбек адиби, драматург, таржимон, Ўзбекистон халқ шоири (1997 й.), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби каламига мансуб? **Жабборов Жуманиёз (1930-2011 йй.) каламига мансуб.**

174. "Зийрак куён" (1959 й.) эртаги қайси ўзбек болалар шоири каламига мансуб? **Толиб Йўлдош (Йўлдошев Толиб, 1919 й.) каламига мансуб.**

175. "Зикр қалб султони" (2009 й.) асари қайси

ўзбек шоираси каламига мансуб? **Ражабова Ибодат (1956 йилда туғилган) каламига мансуб.**

176. "Зиндон" (1916 й.) романи муаллифи қайси чех ёзувчиси? **Ольбрахт Иван (тахаллуси, асл исм-шарифи Камил Земан) 1882 - 1952 йй.).**

177. "Зиндон" (1914 й.) хикояси қайси ўзбек журналисти, ёзувчи каламига мансуб? **Мирмухсин (тахаллуси, асл исм - шарифи Шермухамедов Мирмухсин) (1895-1929 йй.) каламига мансуб.**

178. "Зиндон" асари қайси форс шоири, адабиётшунос ва санъатшунос каламига мансуб? **Нима Юшиж (тахаллуси; асл исм-шарифи Али Исфан Диёрий, 1897-1960 йй.) каламинга мансуб.**

179. "Зиндон кундаликлари" асари муаллифи қайси Эрон шоири? **Бахор (тахаллуси-Мухаммад Таги Маликушшуаро 1886–1957 йй.).**

180. "Зиндоннома" (1957 й.) шеърий тўплами қайси Покистон шоири, "Нилуфар" мукофоти (1975 й.) совриндори каламига мансуб? **Файз Ахмад Файз (1911-1984 йй.) каламига мансуб.**

181. "Зод ул-мусофирин" асари қайси форс-тожик шоири, мутафаккир каламига мансуб? **Носир Хисрав (тўлиқ исм-шарифи: Абу -Муъиниддин Носир Хисрав ал - Кубодиёнй) (1004 й., Кубодиён - 1088 й., Бадахшон) каламига мансуб.**

182. Зокиржон Холмухаммад ўғли Ҳабибий нечанчи йили, неча ёшга тўлиши муносабати билан Ўзбекистон халқ шоири унвони билан тақдирланган? **1974 йили 85 тўлиши муносабати билан Ўзбекистон халқ шоири унвони мукофоти билан тақдирланган.**

183. "Зокиржон Фуркат ижоди" (1954 й.) асари қайси ўзбек шоири ва драматург; Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1991 й.), филология фанлари доктори (1972 й.) каламига мансуб? **Холид Расул (асл исм - шарифи Расулов Холид) (1911-1991 йй.) каламига мансуб.**

184. "Зол ва Судоба" достони қайси тожик шоири ва мутафаккир қаламига мансуб? **Фирдавсий Абулқосим Тусий (тахм. 934-Тус ш. - 1030 йй.) қаламига мансуб.**

185. "Золим саглар" (1924 й.) прозаик асари муаллифи қайси Швеция романнависи, шоир ва драматурги Нобель мукофоти совриндори (1951 й.)? **Пьер Фабиан Лагэрквист (1891-1974 йй.).**

186. "Золим Стефан Лазаревич киссаси" (1431-1435 йй.) асари қайси сербиялик адиб қаламига мансуб? **Константин Философ қаламига мансуб.**

187. «Золотые ворота» (1975 й.) асари муаллифи қайси ўзбек шоири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1977 й.)? **Тошпўлат Ҳамид (Ҳамидов Тошпўлат Ҳакимович), (1927-1984 йй.).**

188. "Золушка" эртаги қайси француз шоири ва танқидчи, Франция Академияси аъзоси (1671 й.) қаламига мансуб? **Перро Шарль (1628-1703 йй.) қаламига мансуб.**

189. "Золя" (1932 й.) асари муаллифи қайси француз ёзувчиси? **Барбюс Анри (1873-1935 йй.).**

190. Зоҳир Аълам (1943-2014 йй.) ўзбек адиби болгар мумтоз адиби Павел Вежиновнинг қайси асарларини таржима қилган? **"Тўсиқ" (1980 й.), "Ўлчамлар" (1990 й.) қиссаларини таржима қилган.**

191. Зоҳир Аълам (1943-2014 йй.) ўзбек адиби рус адиби Сергей Залигиннинг қайси асарини таржима қилган? **"Комиссия" (1985 й.) романини таржима қилган.**

192. Зоҳир Аълам (1943-2014 йй.) ўзбек адиби рус адиби Микола Макиавеллиннг қайси асарини таржима қилган? **"Ҳукмлар" (2002 й.) асарини таржима қилган.**

193. Зоҳир Аълам (1943-2014 йй.) ўзбек адиби рус адиби Геродотнинг қайси асарини таржима қилган? **"Мелпомена" (2008 й.) асарини таржима қилган.**

194. Зоҳир Аълам (1943-2014 йй.) ўзбек адиби рус

адиби Плутархнинг қайси асарини таржима қилган? **"Александр Мақдунли" (2009 й.) асарини таржима қилган.**

195. Зоҳир Аълам (1943-2014 йй.) ўзбек адиби рус адиби Менандрнинг қайси асарини таржима қилган? **"Мижғов" (2013 й.) комедиясини таржима қилган.**

196. "Зубайда" (1763 й.) пьесаси муаллифи қайси италиялик драматург? **(1887 й.).**

197. "Зубайда" (1941 й.) пьесаси қайси ҳинд ёзувчиси, кинодраматург қаламига мансуб? **Хўжа Аҳмад Аббос (1914-1987 йй.) қаламига мансуб.**

198. "Зулайҳо дарахти" (2016 й.) романи муаллифи қайси ўзбек ёзувчиси? **Норматов Нодир (1950 йилда туғилган).**

199. "Зулайҳо ва Ҳафиза" қўшиғи қайси Озарбайжон шоири қаламига мансуб? **Возих (тахаллуси, асл исм-шарифи Мирзо Шафий Содиқ ўғли) (1796-1852 йй.) қаламига мансуб.**

200. "Зулм остида" (1889-1890 йй.) романи қайси болгар ёзувчиси қаламига мансуб? **Вазов Иван Минчов (1850-1921 йй.) қаламига мансуб.**

201. "Зулм" 1958 й.). "Бўрон нафаси" (1960 й.), "Улуғ жангда" (1962 й.) трилогияси қайси рус ёзувчиси қаламига мансуб? **Алматинская Анна Владимировна (1884 й.) қаламига мансуб.**

202. "Зулмга завол" (1952 й.) пьесаси муаллифи қайси уйғур ёзувчиси, Қозоғистон халқ ёзувчиси (1986 й.)? **Зиё Самадий (1914 йилда туғилган).**

203. "Зулмат ва тонг" (1950 й.) драмаси қайси уйғур шоири ва адабиётшунос қаламига мансуб? **Рўзи Қодирий (тахаллуси; асл исм-шарифи Рўзиев Рўзи) (1925 й., Қашқар-2001 й., Тошкент) қаламига мансуб.**

204. "Зулмат занжири" (2011 й.) детектив киссаси қайси ўзбек ёзувчиси қаламига мансуб? **Самариддин Халилов қаламига мансуб.**

205. "Зулмат" шеърий асари қайси комилик шоир,

тилшунос, Коми адабиётининг асосчиси қаламига мансуб? **Куратов Иван Алексеевич (1839-1875 йй.) қаламига мансуб.**

206. "Зулмат ҳокимияти" (1886 й.) драмаси муаллифи қайси рус ёзувчиси, жаҳон адабиёти мумтози? **Толстой Лев Николаевич (1828-1910 йй.).**

207. "Зулмат ичра нур" (1860 й.) асари муаллифи қайси рус публицисти? **Добролюбов Николай Александрович (1836-1861 йй.).**

208. "Зулмат ичра нур" (1963 й.) (тарихий таржимаи ҳол йўналишида) асари қайси ўзбек адиби. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1977 й.) қаламига мансуб? **Миркарим Осим (1907 -1984 йй.) қаламига мансуб.**

209. "Зулмат салтанати" (2001 й.) сценарийси қайси ўзбек ёзувчиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси (2000 й.) қаламига мансуб? **Тоҳир Малик (тахаллуси; асл исм-шарифи Ҳобилов Тоҳир Абдумаликович) (1946 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

210. "Зулмат шаҳри маликаси" (1961 й.) киссаси қайси рус шоири, таржимон, Қалмоғистон халқ шоири (1968 й.), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1968 й.) қаламига мансуб? **Линкин Семён Израилович (1911 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

211. "Зулмат билан видолашув" (1985 й.) асари қайси афғон ёзувчиси қаламига мансуб? **Ҳабиб Асадулло (1941 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

212. "Зулматга қараган эшик" (1969 й.) асари муаллифи қайси Ирландия ёзувчиси, тўққиз фарзандининг тўнғичи, Нобель мукофоти совриндори (1995 й.)? **Хини Паул Хейзе Шеймас (1939 йилда туғилган).**

213. "Зулматда" (1963 й.) асари муаллифи қайси венесуэллик ёзувчи? **Э. Суберо.**

214. "Зулматдаги ибодат" (1962 й.) романи қайси мексикалик адиб, Нобель мукофоти совриндори қаламига мансуб? **Росарио Кастельянос қаламига мансуб.**

215. "Зулматдаги шаҳар" (1930 й.) шеърий тўплами муаллифи қайси швед ёзувчиси, Швеция Академияси аъзоси (1968 й.)? **Лундквист Артур Нильс (1906 -? йй.).**

216. "Зулматдаги ғалаба" (1939 й.) асари муаллифи қайси швед ёзувчиси ва драматурги, Швеция ФА акад. (1940 й.), Нобель мукофоти совриндори (1951 й.)? **Лагерквист Пер Фабиан (1891-1974 йй.).**

217. "Зулматдан зиё" (Ойбекнинг "Кутлуғ қон" романи асосида) операси қайси ўзбек шоири, драматург, кино сценарист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1962 й.) қаламига мансуб? **Туроб Тўла (тахаллуси; фамилияси Тўлахўжаев, 1918-1990 йй.) қаламига мансуб.**

218. "Зулматдан зиёга" драмаси қайси марокашлик адиб қаламига мансуб? **М. А. Лахбобий қаламига мансуб.**

219. "Зумрад" ҳикояси қайси ўзбек адиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1968 й.), Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1980 й.), Ўзбекистон Қаҳрамони (1999 й.) қаламига мансуб? **Санд Ахмад (тахаллуси; асл исм-шарифи Ҳусанхўжаев Саидаҳмад) (1920-2008 йй.) қаламига мансуб.**

220. "Зумрад ёки Вигиво" (1933 й.) илк ҳикояси қайси ўзбек шоираси, драматург қаламига мансуб? **Ойдин (тахаллуси; асл исм-шарифи Собирова Манзура) (1906-1953 йй.) қаламига мансуб.**

221. "Зулфинг" асари муаллифи қайси туркман мумтоз шоири? **Камина (тахаллуси, асл исми - Маматвали, 1770- 1840 йй.).**

222. "Зуғум" асари қайси афғон шоири қаламига мансуб? **Ҳамза Шинворай Абдумурод (1907-1994 йй.) қаламига мансуб.**

223. "Зуҳра" (1896 й.) романи қайси турк ёзувчиси қаламига мансуб? **Набизода Нозим (1862-1893 йй.)**

каламига мансуб.

224. "Зухро" (1943 й.) пьесаси муаллифи кайси Тожикистон халқ ёзувчиси (1979 й.), драматург? **Икромий Жалол (1909 й., Бухоро-1993 й., Душанба).**

225. "Зухро юлдузи" (1987 й.) шеърий тўплами кайси ўзбек шоираси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими каламига мансуб? **Жўраева Гулчехра (1937 йилда туғилган) каламига мансуб.**

226. Зухра ва Тохир" романтик достони кайси туркман шоири, мусиқачи каламига мансуб? **Муллабафас Қолирберди ўғли (1810-1862 йй.) каламига мансуб.**

227. "Зухранинг мактублари" (1975 й.) комедияси муаллифи кайси ўзбек шоири ва драматург, Ўзбекистон халқ шоири (1981 й.), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1971 й.)? **Рамз Бобожон (тахаллуси; асл исм-шарифи Бобожонов Рамз, 1921-2008 йй.).**

228. "Зухранинг жасорати" пьесаси кайси ёзувчи, драматург каламига мансуб? **Ҳайитмат Расул (1937 йилда туғилган) каламига мансуб.**

229. "Зўлдир" (1973 й.) пьесаси муаллифи кайси ўзбек ёзувчиси, драматург, публицист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1990 й.)? **Иброхимов Абдуқаххор Абдусаматович (1939 йилда туғилган).**

230. "Зўравоннинг қонуни" (1893 й.) асари муаллифи кайси бельгиялик ёзувчи? **К. Бейссе.**

231. "Зўраки муттаҳам ёки тўртинчи умуртка" (1957 й.) роман -памфлети муаллифи кайси фин ёзувчиси? **Ларни Марти Еханнес (1909 й.).**

232. "Зўраки никоҳ" (1664 й.) комедияси муаллифи кайси француз драматурги, актёр, театр арбоби, саҳна санъати ислоҳотчиси? **Мольер (тахаллуси; асл исм-шарифи Жан Батист Поклен) (1622-1673 йй.).**

233. "Зўраки табиб" (1673 й.) комедияси муаллифи кайси француз драматурги, актёр, театр арбоби, саҳна санъати ислоҳотчиси? **Мольер (тахаллуси; асл исм-шарифи Жан Батист Поклен) (1622-1673 йй.).**

234. "Зўрлик" (1932 й.) ҳикоялар тўплами муаллифи кайси ўзбек ёзувчиси? **Парда Турсун (1909-1957 йй.).**

Инсон учун билим орттиришининг ўзи кифоя эмас, олинган билимни тараққиёт йўлида сарфлашни ҳам билмоқ лозим.
И. Гёте

235. "И. А. Крилов" (1944 й.) асари муаллифи кайси рус адибаси? **Шагинян Мариэтта Сергеевна (1888 йилда туғилган). Филология фанлари доктори (1946 й.), Арманистон ФА мухбир аъзоси (1950 й.), Меҳнат Қаҳрамони (1976 й.).**

236. "Ибн Сино киссаси" (тарихий таржимаи ҳол йўналишда) кайси ўзбек адиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1977 й.) каламига мансуб? **Миркарим Осим (1907 -1984 йй.) каламига мансуб.**

237. "Ибн Сино" (1953 й.) киносценарийси қайси тожик ёзувчиси, драматург, адабиётшунос, Тожикистон ФА мухбир аъзоси (1951 й.) каламига мансуб? **Сотим Улугзода (1911 й., Чуст - 1997 й., Душанба) каламига мансуб.**

238. "Ибн Сино" асари кайси ёзувчи, драматург, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1987 й.) каламига мансуб? **Шаломаев Арап (1917-2004 йй.) каламига мансуб.**

239. "Ибн Сино" (1995 й.) тарихий романи қайси ўзбек ёзувчиси ва журналист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1968 й.) каламига ман-

суб? **Қориев Мақсуд (1926-2010 йй.) қаламига мансуб.**

240. "Ибн Синонинг болалиги" (2002 й.) киссаси кайси ўзбек ёзувчиси ва журналист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1968 й.) қаламига мансуб? **Қориев Мақсуд (1926-2010 йй.) қаламига мансуб.**

241. "Иблис" (1918 й.) трагедияси қайси Озарбайжон шоири, драматург қаламига мансуб? **Жовид (тахаллуси; асл исми Расизода) (1884-1944 йй.) қаламига мансуб.**

242. "Иблис" новелласи кайси француз ёзувчиси қаламига мансуб? **Мопассан Ги (тўлик исм-шарифи Анри Рене Альбер Ги) де (1850-1893 йй.) қаламига мансуб.**

243. "Иблис металл" (1946 й.) романи муаллифи кайси боливиялик ёзувчи? **А. Сесседес.**

244. "Иблис" (1957 й.) романи қайси таиландлик адиб қаламига мансуб? **Сена Саувапонг қаламига мансуб.**

245. "Иблис ва Худо" (1951 й.) асари муаллифи кайси франциялик ёзувчи, файласуф, драматург, Нобель мукофоти совриндори (1964 й.)? **Сартр Жан Поль (1905-1980 йй.).**

246. "Иблис ва сеньорита Прим" (2000 й.) асари кайси бразилиялик ёзувчи қаламига мансуб? **Пауло Коэльо (1947 йилда туғилган).**

247. "Иблиснинг интиқоми" (1936 й.) драмаси қайси Озарбайжон шоири, драматург қаламига мансуб? **Жовид (тахаллуси; асл исми Расизода) (1884-1944 йй.) қаламига мансуб.**

248. "Иби Муганний" асари кайси ўзбек ёзувчиси, журналист қаламига мансуб? **Хуршид Дўстмухаммад (асл исм-шарифи Дўстмухамедов Хуршид, 1951 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

249. "Ибодат" (1987 й.) романи кайси бразилиялик ёзувчи қаламига мансуб? **Пауло Коэльо (1947 йилда туғилган).**

250. "Ибодатхона" (1931 й.) асари муаллифи кайси америкалик ёзувчи, Нобель мукофоти совриндори (1949 й.)? **Фолкнер Уильям (1897-1962 йй.).**

251. "Ибодатхона" (1971 й.) драматик достони кайси Литва халқ шоири (1978 й.) қаламига мансуб? **Марцинкявичюс Юстинас Мотеюс (1930 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

252. "Ибодатхонадаги қотиллик" (1935 й.) шеърий драмаси кайси инглиз-америкалик шоир ва адабий танқидчи, Нобель мукофоти совриндори (1948 й.) қаламига мансуб? **Элиот Томас Стернз (1888-1965 йй.) қаламига мансуб.**

253. "Ибратли дарс" (1976 й.) романи муаллифи кайси француз ёзувчиси, Нобель мукофоти совриндори (1985 й.)? **Симон Клод (1913 йилда туғилган).**

254. "Ибрат мактаби" (1993 й.) асари қайси ўзбек ёзувчиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси (2000 й.) қаламига мансуб? **Тохир Малик (тахаллуси; асл исм-шарифи Ҳобилов Тоҳир Абдумаликович) (1946 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

255. "Ибрат манзили" (2007 й.) китоби қайси ўзбек шоири, ёзувчи қаламига мансуб? **Комил Аваз (1942 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

256. "Иброхим Адхам" достони қайси ўзбек шоири қаламига мансуб? **Хувайдо (тахаллуси, асл исм-шарифи Хўжаназар Гойибназар ўғли, туғилган йили номаълум-1780/81).**

257. "Иброҳим - журналист" (1931 й.) романи кайси араб ёзувчиси қаламига мансуб? **Мазиний ал-Мазиний, Иброҳим Абдул Қодир (1890 й., Қохира - 1947 й.) қаламига мансуб.**

258. "Иброхим II" (1943 й.) романи қайси араб ёзувчиси қаламига мансуб? **Мазиний ал-Мазиний, Иброҳим Абдул Қодир (1890 й., Қохира - 1947 й.)**

қаламига мансуб.

259. "Ибтидо" (1948 й.) китоби қайси француз ёзувчиси, Бельгия Қироллик академияси аъзоси (1952 йилдан) қаламига мансуб? **Сименон Жорж (1903 -1989 йй.) қаламига мансуб.**

260. "Ибтидо ва интиҳо" романи романи қайси араб ёзувчиси (Миср), Нобель мукофоти совриндори (1988 й.) қаламига мансуб? **Нажиб Махфуз (1911 й.) қаламига мансуб.**

261. "Ибтидо ва интиҳо (2005 й.) қиссаси қайси адиб қаламига мансуб? **Жўра Фозил (1949 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

262. "Иван Грозний" (1942 й.) драматик дилогиясы муаллифи қайси рус ёзувчиси? **Толстой Алексей Николаевич (1882-1945 йй.).**

263. "Иван Ильичнинг ўлими" (1886 й.) қиссаси муаллифи қайси рус ёзувчиси, жаҳон адабиёти мумтози? **Толстой Лев Николаевич (1828 - 1910 йй.).**

264. "Иван Суларев ҳикоялари" (1942-1943 йй.) асари муаллифи қайси рус ёзувчиси? **Толстой Алексей Николаевич (1882-1945 йй.).**

265. "Иван оқшоми" (1800 й.) романтик балладаси қайси инглиз ёзувчиси қаламига мансуб? **Скотт Вальтер (1771–1832 йй.) қаламига мансуб.**

266. "Иванов" (1887-1889 йй.) пьесаси қайси рус ёзувчиси қаламига мансуб? **Чехов Антон Павлович (1860-1904 йй.) қаламига мансуб.**

267. "Иванвишенский" (1900 й.) поэмаси қайси украин ёзувчиси қаламига мансуб? **Франко Иван Яковлевич (1856-1916 йй.) қаламига мансуб.**

268. "Ивейн" романи қайси франциялик алиб қаламига мансуб? **Кретьен де Труа қаламига мансуб.**

269. "Иветта" асари қайси француз ёзувчиси қаламига мансуб? **Мопассан Ги (тўлиқ исм-шарифи Анри Рене Альбер Ги) де (1850-1893 йй.) қаламига мансуб.**

270. "Идеалист" (1878 й.) романи қайси даниялик романнавис, драматург, Нобель мукофоти совриндори (1917 й.) қаламига мансуб? **Карл Адольф Гьеллеруп (1857-1919 йй.) қаламига мансуб.**

271. "Идзунлик ўйинчи" (1925 й.) қиссаси муаллифи қайси Япония ёзувчиси, Нобель мукофоти совриндори (1968 й.)? **Кавабата Ясунари (1899-1972 йй.).**

272. "Идиш тўла ҳаёт" эссе ва ҳикоялар тўплами қайси ўзбек ёзувчиси қаламига мансуб? **Асрор Самад қаламига мансуб.**

273. "Идонрё" поэмаси қайси нигериялик драматург, ёзувчи, Нобель мукофоти совриндори (1986 й.) қаламига мансуб? **Шойинка, Сойинка Воле (1934 й.) қаламига мансуб.**

274. "Иеремия" (1917 й.) драмаси муаллифи қайси австриялик ёзувчи? **С. Цвейг.**

275. "Иерма" (1934 й.) трагедияси муаллифи қайси испан шоири ва драматурги? **Гарсиа Лорка (1899-1936 йй.).**

276. "Иёст Берлинг ҳақида сага" (1891 й.) биринчи ва кўзга кўринган йирик романи муаллифи қайси швед ёзувчиси, Швеция ФА акад. (1914 й.), Нобель мукофоти совриндори (1909 й.)? **Лагерлёф Сельма (1858-1940 йй.).**

277. "Ижобат" (1982 й.) шеърий тўплами қайси рус шоири, Ўзбекистон халқ шоири (2004 й.) қаламига мансуб? **Файнберг Александр Аркадьевич (1939 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

278. "Ижобат" шеърий тўплами қайси ўзбек шоири қаламига мансуб? **Муҳаммад Раҳмон (1949-2000 йй.) қаламига мансуб.**

279. "Ижод боғида" тўплами қайси ўзбек шоири, драматург, таржимон қаламига мансуб? **Амин Умарий (1913-1942 йй.) қаламига мансуб.**

280. "Ижод ва эркинлик" асари қайси француз ёзувчиси, драматург, эссечи, Нобель мукофоти совриндори (1957 й.) қаламига мансуб? **Камю Альбер (1913-1960 йй.) қаламига мансуб.**

281. "Ижод дарди" (1973 й.) асари муаллифи қайси ўзбек ёзувчиси? **Шермуҳаммедов Пирмат (1939 й.).**

282. "Ижод кўнгил таскини" (самаркандлик ижодкорлар) баёзи қайси ўзбек шоири қаламига мансуб? **Тошев Фармон (1954 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

283. "Ижодни англаш бахти" (2004 й.) китоби қайси адабиётшунос олим, танқидчи, Ўзбекистон Қаҳрамони (2002 й.) қаламига мансуб? **Шарафиддинов Озод Обидович (1929-2005 йй.) қаламига мансуб.**

284. Ижодини Навоийнинг шахсий кутубхонасида бошлаган қайси хаттот, шоир, настаълик хати устасини Хондамир "настаълик хатида истеъдодини жуда зўр", деб баҳолаган? **Султон Муҳаммад Хандонни баҳолаган.**

285. Ижтимоий муаммолар мавзусида пьесалар ёзган биринчи норвегиялик қайси ёзувчи? **Бьёрнсон Бьёрнстьерне Мартиниус (1832-1910 йй.), Нобель мукофоти совриндори (1903 й.).**

286. "Ижтимоий шартнома тўғрисида" (1762 й.) рисоласи қайси француз ёзувчиси, композитор қаламига мансуб? **Руссо Жан Жак (1712-1778 йй.) қаламига мансуб.**

287. "Изабелла Баварская" (1835 й.) биринчи тарихий романи қайси француз ёзувчиси қаламига мансуб? **Дюма, Александр (Дюма - отаси, 1802 - 1870 йй.) қаламига мансуб.**

288. Иззат Султонов билан ҳамкорликда қайси рус адибаси Ҳамзанинг "Бой ила хизматчи" (1951 й.) асарини рус тилига таржима қилган? **Лидия Григорьевна Бать (1900 й.) билан ҳамкорликда.**

289. Иззат Султонов билан ҳамкорликда қайси рус

адибаси Ҳамзанинг "Майсаранинг иши" (1951 й.) асарини рус тилига таржима қилган? **Лидия Григорьевна Бать (1900 й.) билан ҳамкорликда.**

290. Иззат Султонов билан ҳамкорликда қайси рус адибаси Ҳамзанинг "Паранжи сирлари" (1951 й.) асарларини рус тилига таржима қилган? **Лидия Григорьевна Бать (1900 й.) билан ҳамкорликда.**

291. Иззат Султонов қайси рус адиби билан ҳамкорликда Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" (1958 й.) асарини рус тилига таржима қилган? **В. Смирнов билан ҳамкорликда.**

292. Иззат Султонов қайси рус адиб билан ҳамкорликда Абдулла Қодирийнинг "Меҳробдан чаён" (1961 й.) асарини рус тилига таржима қилган? **В. Смирнов билан ҳамкорликда.**

293. "Избости бий" балладаси қайси козоқ ёзувчиси қаламига мансуб? **Олтинсарин Ибрай (1841-1889 йй.) қаламига мансуб.**

294. "Изимиздаги иблис" (1940 й.) романи муаллифи қайси турк адиби? **Али Саҳобиддин.**

295. "Измаэль" (1888 й.) романи муаллифи қайси уругвайлик ёзувчи? **Э. Асеведо Диас (1831-1924 йй.).**

296. "Измаилнинг қўлга киритилиши" (1791 й.) асари муаллифи қайси рус шоири? **Державин Гаврила Рамонович (1743-1816 йй.).**

297. "Излар" (1991 й.) асари қайси ўзбек шоири қаламига мансуб? **Қамбар Ота (1941-2016 йй.) қаламига мансуб.**

298. "Излар ва ҳислар" (1974 й.) шеърий тўплами муаллифи қайси ўзбек шоири? **Хайриддин Салох (Салоҳиддинов Хайриддин) (1934-1969 йй.).**

299. "Изладим" асари қайси қорақалпоқ шоири, қорақалпоқ адабиёти асосчисининг қаламига мансуб? **Бердақ (тахаллуси, асл исм - шарифи Бердимурод Қарғабой ўғли) (1827 - 1900 йй.) қаламига мансуб.**

300. "Излай-излай топганим" (1988 й.) шеъ-

рий тўплами қайси ўзбек шоираси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими қаламига мансуб? **Содиқова Турсуной (1944 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

301. "Излайман" (1971 й.) киссаси қайси Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1985 й.) қаламига мансуб? **Ёқубов Одил (1926-2010 йй.) қаламига мансуб.**

302. "Изларман" асари қайси ўзбек шоири қаламига мансуб? **Мискин Мулла Қўшоқ Тошмуҳаммад ўғли (1880-1937 йй.) қаламига мансуб.**

303. "Изловчилар йўли" асари қайси ўзбек шоири қаламига мансуб? **Зиё Нахшабий, Зиёуддин Нахшабий (XIII аср охири, Қарши яқинидаги Нахшаб ш.; хоз. Шулликтепа – 1350 й., Ҳиндистон, Бадоюн ш.) қаламига мансуб.**

304. "Изловчи хаётидан лавҳалар" (1879 й.) илк ҳикояси муаллифи қайси рус ёзувчиси, публицист, Петербург (1900-1902 йй.) ва Россия (1918 й.) ФА фахрий аъзоси? **Короленко Владимир Галактионович (1853-1921 йй.).**

305. "Изловчилар" (1951 й.) комедияси қайси тожик ёзувчиси, драматург, адабиётшунос, Тожикистон ФА мухбир аъзоси (1951 й.) қаламига мансуб? **Сотим Улуғзода (1911 й., Чуст - 1997 й., Душанба) қаламига мансуб.**

306. "Изобелла" романи муаллифи қайси француз романнависи, эссечи ва танқидчи, Нобель мукофоти совриндори (1947 й.)? **Андре Жид.**

307. "Изғироб" асари қайси ёзувчи, драматург, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1987 й.) қаламига мансуб? **Шаломаев Арон (1917-2004 йй.) қаламига мансуб.**

308. "Изтироб" (2010 й.) асари қайси ўзбек шоири, ёзувчи қаламига мансуб? **Комил Аваз (1942 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

309. "Изтироб кўйлаги" (1992 й.) шеърий тўплами

қайси ўзбек шоираси қаламига мансуб? **Фарида Афрўз (1956 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

310. "Изтироб онаси" (1992 й.) асари қайси ўзбек адиби қаламига мансуб? **Турсун Али (1952 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

311. "Изтироб чеккан оила" (1935 й.) комедияси қайси сербиялик ёзувчи, драматург, Сербия ФА акад. (1933 й.) қаламига мансуб? **Нушич Бранислав (1864-1938 йй.) қаламига мансуб.**

312. "Изқувар" (1977 й.) романи қайси венгер ёзувчиси, Нобель мукофоти совриндори (2002 й.) қаламига мансуб? **Кертеш Имре (1929 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

313. "Изқувар" (1840 й.) романи қайси Америка ёзувчиси қаламига мансуб? **Купер Жеймс Фенимор (1789-1851 йй.) қаламига мансуб.**

314. "Изғирин абадий эмайди" драмаси қайси ўзбек ёзувчиси қаламига мансуб? **Туроб Мақсуд (1947-2016 йй.) қаламига мансуб.**

315. "Изғирин болалари" (1902 й.) асари муаллифи қайси америкалик ёзувчи? **Лондон Жек (тахаллуси; асл исм-шарифи Жон Гриффит) (1876-1916 йй.).**

316. "Изҳор" (2011 й.) шеърий тўплами қайси ўзбек шоири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1999 й.) қаламига мансуб? **Ғулом Шомурод (1937 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

317. "Изҳор" (2001 й.) асари қайси шоира қаламига мансуб? **Хуршида (Кўчкорова Хуршида, 1967 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

318. "Ийдия" қасидаси қайси хуросонлик шоир қаламига мансуб? **Суҳайлий Аҳмад Амир Низомуддин (1512 й. в.э.) қаламига мансуб.**

319. "Иймон ёғдуси" (1994 й.) шеърий асари қайси ўзбек шоири. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори (1989 й.), Ўзбекистон халқ шоири (1993 й.), қаламига мансуб? **Омон Матжон (тахаллу-**

си: асл исм-шарифи Матчонов Омон) (1943 йилда туғилган) қаламига мансуб.

320. "Иймон кўшиғи" асари қайси Ўзбекистон халқ шоири (1998 й.) қаламига мансуб? **Муҳаммад Юсуф (тахаллуси; асл исм-шарифи Юсупов Муҳаммаджон) (1954-2001 йй.) қаламига мансуб.**

321. "Иймонсиз одам" (1936 й.) асари муаллифи қайси шведь ёзувчиси ва драматург, Швеция ФА акад. (1940 й.), Нобель мукофоти совриндори (1951 й.)? **Лагерквист Пер Фабиан (1891-1974 йй.).**

322. "Икки авлод" (1852 й., устида иш олиб борган, аммо асар ниҳоясига етмаган) романи муаллифи қайси рус ёзувчиси? **Тургенев Иван Сергеевич (1818-1883 йй.).**

323. "Икки авлод" (1930 й.) тарихий романи қайси чечен ёзувчиси қаламига мансуб? **С. Арсанов (1889-1968 йй.) қаламига мансуб.**

324. "Икки баронесса" (1849 й.) романи қайси Дания ёзувчиси қаламига мансуб? **Андерсен Ханс Кристиан (1805-1875 йй.) қаламига мансуб.**

325. "Икки бармоғим" (1947 й.) хикояси қайси уйғур ёзувчиси, драматург, янги давр уйғур адабиёти асосчиси қаламига мансуб? **Зуннун Қодирий (1912-1989 йй.) қаламига мансуб.**

326. "Икки баҳор" (1990 й.) асари муаллифи қайси ўзбек шоири? **Кўчимов Абдусанд (1951 йилда туғилган).**

327. "Икки баҳр мажмуи" асари муаллифи қайси шоир ва хаттот? **Котибий (тахаллуси, асл исм-шарифи Шамсуддин Муҳаммад ибн Абдуллох; туғилган йили номаълум, Тариниз-1435 й., Астробод).**

328. "Икки билагузук" (1963 й.) асари муаллифи қайси ўзбек болалар ёзувчиси, драматург? **Шукур Саъдулла (1912-1972 йй.).**

329. "Икки бойга бир малай" комедияси муаллифи қайси итальян драматурги, миллий комедия асосчиси? **Гольдони Карло (1707-1793 йй.).**

330. Икки боланинг Европага саёҳати" (1908 й.) романи қайси Озарбайжон ёзувчиси қаламига мансуб? **Ўрдубодий Муҳаммад Саид (тахаллуси; асл исм-шарифи Мамед Хожи оға ўғли) (1872-1950 йй.) қаламига мансуб.**

331. "Икки васиқа" балладаси қайси Ўзбекистон халқ шоири (1963 й.), Ўзбекистон ФА акад. (1943 й.), ҳикоянавис, драматург, таржимон қаламига мансуб? **Ғафур Ғулом (тахаллуси; асл исм-шарифи Ғуломов Ғафур) (1903-1966 йй.) қаламига мансуб.**

332. "Икки дангаса саргузашти" (1970 й.) асари қайси ўзбек болалар ва ўсмирлар ёзувчиси, драматург, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1977 й.) қаламига мансуб? **Махмудов Латиф (1933 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

333. "Икки дарё" (1938 й.) шеърий тўплами қайси черногориялик шоир қаламига мансуб? **Я. Жонович қаламига мансуб.**

334. "Икки дил достони" асари қайси давлат ва жамоат арбоби, ёзувчи, 2 марта Меҳнат Қаҳрамони (1974, 1977 йй.) қаламига мансуб? **Рашидов Шароф Рашидович (1917-1983 йй.) қаламига мансуб.**

335. "Икки дўст" (1770 й.) пьесаси қайси француз драматурги қаламига мансуб? **Бомарше Пьер Огюстен Карон де (1732-1799 йй.) қаламига мансуб.**

336. "Икки дўст" романи қайси комилик адиб қаламига мансуб? **Я.М.Рочев қаламига мансуб.**

337. "Икки дўст" (1960 й.) поэмаси қайси қорақалпоқ шоири қаламига мансуб? **Турумбетов Хўжамурот (1922-1968 йй.) қаламига мансуб.**

338. "Икки ёлғизлик" (1945 й.) асари қайси канадалик ёзувчи қаламига мансуб? **Х. Мак-Ленан қаламига мансуб.**

339. "Икки жаҳон" (1934 й.) поэмаси муаллифи

қайси қозоқ шоири ва драматург, филология фанлари доктори (1971 й.)? **Тожибоев Абдулла (1909 й.).**

340. "Икки жаҳон ораси" (2001 й.) асари қайси фантаст ёзувчи ва публицист, ўзбек илмий-бадиий фантастикаси асосчиларидан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1997 й.) қаламига мансуб? **Шайхов Ҳожиакбар 1945-2002 йй., ота-боболари асли тошкентлик бўлиб, Шарқий Туркистонга кўчиб кетишган ва 1955 йили ватанига қайтишган. Тошкент политехника институтининг энергетика факультетини тугатган (1971 й.) қаламига мансуб.**

341. Икки жилддан иборат "Севги" (1947 й., 1957 й.) шеърий романи муаллифи қайси туркман шоири? **Кекилов Омон (1912 йилда туғилган).**

342. "Икки Ирок тухфаси" (1157 й.) маснавийи муаллифи қайси Озарбайжон шоири ва мутафаккир? **Хоқоний Ширвоний (тўлиқ исм-шарифи Афзалиддин Бадил ибн Али) (1120-1199 йй.).**

343. "Икки карра икки беш" асари қайси Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори (1986 й.), Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1991 й.) қаламига мансуб? **Ҳошимов Ўткир (1941-2016 йй.) қаламига мансуб.**

344. Икки китобдан иборат "Тонгни қаршилаб" (1956-1957 йй.) романи қайси рус ёзувчиси қаламига мансуб? **Кожевников Вадим Михайлович қаламига мансуб (1909 йилда туғилган).**

345. Икки китобдан иборат "Бонг" (1962 й.) романи қайси рус ёзувчиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1969 й.) қаламига мансуб? **Шевердин Михаил Иванович (1899-1969 йй.) қаламига мансуб.**

346. Икки китобдан иборат "Ота" (1968 й.) тарихий романи (У. Ҳ. Нўъмонов билан ҳамкорликда) қайси ўзбек ёзувчиси ва журналист? **Шорахмедов Ахмад (1900-1978 йй.).**

347. "Икки лагерь" (1948 й.) асари қайси Эстония

халқ ёзувчиси (1947 й.) қаламига мансуб? **Якобсон Аугуст (1904-1963 йй.) қаламига мансуб.**

348. "Икки Ма" (1928 й.) романи муаллифи қайси Хитой халқ ёзувчиси? **Лао Шэ (тахаллуси; асл исм-шарифи Шу Шэюй) (1899 -1966 йй.).**

349. "Икки мактуб" асари қайси ўзбек шоираси, журналист, таржимон, Ўзбекистон халқ шоираси (1965 й.), Халқаро Неру (1968 й.), "Нилуфар" (1971 й.) мукофотлари ҳамда Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти (1970 й.) совриндори, Мехнат Қаҳрамони (1984 й.), шоир Ҳамид Олимжон рафиқаси қаламига мансуб? **Зулфия (тахаллуси; тўлиқ исм-шарифи Исроилова Зулфия) (1915-1996 йй.) қаламига мансуб.**

350. "Икки муҳаббат" (1955 й.) ҳикоялар тўплами қайси Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1985 й.) қаламига мансуб? **Ёқубов Одил (1926-2010 йй.) қаламига мансуб.**

351. "Икки муҳаббат" (1916 й.) саҳна асари муаллифи қайси ўзбек шоири, олим, драматург? **Авлоний, Абдулла Авлоний (1878–1934 йй.).**

352. "Икки найза ўртасида" романи қайси турк ёзувчиси қаламига мансуб? **Ака Гундуз (тахаллуси, асл исм, фамилияси - Хусейн Авний, 1885 – 1956 йй.) қаламига мансуб.**

353. "Икки нома" (1946 й.) асари қайси форс шоири, адабиётшунос ва санъатшунос қаламига мансуб? **Нима Юшиж (тахаллуси; асл исм-шарифи Али Исфан Диёрий, 1897-1960 йй.) қаламинга мансуб.**

354. "Икки нур" шеърий тўплами қайси ўзбек шоири қаламига мансуб? **Баҳром Рўзимуҳаммад (1961 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

355. "Икки оёқли эшак" ҳажвий асари муаллифи қайси Догистон халқ шоири (1934 й.)? **Стальский Сулаймон (1869-1937 йй.).**

356. "Икки оила" киноси қайси шри ланкалик ре-

жиссёр қаламига мансуб? **С. Пернес қаламига мансуб.**

357. "Икки олам фарзанди" қиссаси қайси кенялик адиб қаламига мансуб? **М. Гатеру қаламига мансуб.**

358. "Икки олам" (1933 й.) тўплами муаллифи қайси туркман ёзувчиси? **Ниёзов Ота (1906-1943 йй.).**

359. "Икки оким" (1951 й.) туркум шеърларининг муаллифи қайси рус ёзувчиси, Ўзбекистон халқ шоири (1974 й.), Мехнат Қаҳрамони (1966 й.)? **Тихонов Николай Семёнович (1896-1979 йй.).**

360. "Икки пуллик обрў" (1966 й., ҳажвияси) ҳикоялар тўплами қайси ўзбек адиби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1992 й.) қаламига мансуб? **Аминов Неъмат (1937-2005 йй.) қаламига мансуб.**

361. Икки серияли "Альпомиш" (2000 й.) филмининг сценарийси муаллифи қайси ўзбек шоири ва драматург; Ўзбекистон халқ шоири (2000 й.), Грузиянинг Маяковский номидаги Давлат мукофоти совриндори (1982 й.), "Дўстлик" ордени (1998 й.) сохиби? **Усмон Азим (1950 йилда туғилган).**

362. "Икки солдат қиссаси" (1973 й.) киносценарийси қайси ўзбек ёзувчиси, Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори (1980 й.), Ўзбекистондахизматкўрсатгансанъатарбоби (1984 й.), Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1992 й.) қаламига мансуб? **Умарбеков Ўлмас (1934-1994 йй.) қаламига мансуб.**

363. "Икки соҳил" (1949 й.) тўплами муаллифи қайси Озарбайжон шоири ва драматург, Озарбайжон халқ шоири (1960 й.), Мехнат Қаҳрамони (1976 й.)? **Сулаймон Рустам (тахаллуси, асл исм-шарифи Сулаймон Али-Аббос ўғли Рустамзода; 1906 йилда туғилган).**

364. "Икки тентак" драмаси қайси ҳинд ёзувчиси ва жамоат арбоби қаламига мансуб? **Мунши, Канъялол Манеклал (1887 й.) қаламига мансуб.**

365. "Икки томчи сув" фильми қайси ҳинд ёзувчиси, кинодраматург қаламига мансуб? **Хўжа Аҳмад Аббос (1914-1987 йй.) қаламига мансуб.**

366. "Икки тош" (1883 й.) қиссаси қайси яҳудий ёзувчиси қаламига мансуб? **Шолом - Алейхем (тахаллуси, асл исм-шарифи Шолом Нохумович Рабинович) (1859-1916 йй.) қаламига мансуб.**

367. "Икки учрашув" (1943 й.) драмаси қайси тожик адиби қаламига мансуб? **Раҳим Жамил (1909 й.) қаламига мансуб.**

368. "Икки эшик ораси" (1986 й.) романи қайси Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори (1986 й.), Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1991 й.) қаламига мансуб? **Хошимов Ўткир (1941-2016 йй.) қаламига мансуб.**

369. "Икки юз етмиш етти пир" (2006 й.) асари муаллифи қайси ўзбек шоири, таржимон, олим, "Меҳнат шуҳрати" (1999 й.) ҳамда "Фидокорона хизматлари учун" (2005 й.) орденлари совриндори? **Садриддин Салим Бухорий (1946-2010 йй.).**

370. "Икки Ҳасан" (1909 й.) комедияси қайси татар драматурги қаламига мансуб? **Файзи (тахаллуси; фамилияси - Файзуллин) Мирҳайдар Мустофович (1891-1928 йй.) қаламига мансуб.**

371. "Икки ҳафта" (1933 й.) қиссаси муаллифи қайси Тожикистон халқ ёзувчиси (1979 й.), драматург? **Икромий Жалол (1909 й., Бухоро-1993 й., Душанба).**

372. "Икки шаҳарча тўғрисида қисса" (1859 й.) романи қайси инглиз ёзувчиси қаламига мансуб? **Диккенс Черльз (1812-1870 йй.) қаламига мансуб.**

373. "Икки Шарқ" асари қайси Ўзбекистон халқ шоири (1963 й.), Ўзбекистон ФА акад. (1943 й.), ҳикоянавис, драматург, таржимон қаламига мансуб? **Ғафур Ғулом (тахаллуси; асл исм-шарифи Ғуломов Ғафур) (1903-1966 йй.) қаламига мансуб.**

374. "Икки ўлим" (2011 й.) асари қайси ўзбек шоири қаламига мансуб? **Ўроз Ҳайдар (1957 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

375. "Икки ва ўн бир" (1964 й.) ҳикоялар тўплами қайси тилшунос олим, Ўзбекистон ФА акад. (2000 й.) қаламига мансуб? **Кўчкортоев Иристой (1936-2000 йй.) қаламига мансуб.**

376. "Икки ўрток" (1956 й.) асари муаллифи қайси ўзбек шоири? **Ўткир Рашид (тахаллуси, асл исм-шарифи Рашидов Маҳмуд; 1917 йилда туғилган).**

377. "Икки кизим" баллаласи муаллифи қайси чуваш шоири, чуваш адабиёти асосчиси? **Иванов Константин Васильевич (1890-1915 йй.).**

378. "Икки кизнинг хикояси" (1935-1937 йй.) достони қайси ўзбек шоири, публицист, адабиётшунос, Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси (1943 й.) қаламига мансуб? **Ҳамид Олимжон (Олимжонов Хамид) (1909-1944 йй.) қаламига мансуб.**

379. Икки қисмли "Буюк Темурланг" (1587-1588 йй.) трагедиясида Амир Темурни афсонавий, романтик бўёқларда қайси инглиз шоири, драматург тасвирлаган? **Марло Кристофер (1564-1593 йй.) тасвирлаган.**

380. "Икки қол" (1961 й.) достони қайси Ўзбекистон халқ шоири (1981 й.), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1977 й.), Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори (1994 й.) қаламига мансуб? **Шукрулло (Юсупов) (1921 й.) қаламига мансуб.**

381. (Икки кутб) (2010 й., сайланма) шеърий тўплами қайси ўзбек шоири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими қаламига мансуб? **Нурматов Эрмамат (1937 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

382. "Иккидан бешгача" (1928-1970 йй.) китоби қайси рус ёзувчиси, болалар шоири, таржимон ва адабиётшунос қаламига мансуб? **Чуковский Корней Иванович (тахаллуси; асл исм-шарифи Корнейчуков Николай Васильевич) (1882-1969 йй.) қаламига мансуб.**

383. "Иккимизнинг ёник ишқимиз" (1993 й.) илк шеърий тўплами қайси ўзбек шоири қаламига мансуб? **Зикрилла Неъмат (1961 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

384. "Иккинчи баҳор" (1973 й.) шеърий тўплами муаллифи қайси ўзбек шоираси? **Нуриллаева Гулчехра (1939 йилда туғилган).**

385. "Иккинчи ватан" романи қайси француз ёзувчиси қаламига мансуб? **Вери Жюль (1828-1905 йй.) қаламига мансуб.**

386. "Иккинчи имтиҳон" (1961 й.) шеърий тўплами муаллифи қайси ўзбек шоири? **Хайриддин Салоҳ (Салоҳиддинов Хайриддин) (1934-1969 йй.).**

387. "Иккинчи кун" (1933 й.) романи қайси рус ёзувчиси қаламига мансуб? **Эренбург Илья Григорьевич (1891-1967 йй.) қаламига мансуб.**

388. "Икикнчи кўча бўйлаб" романи қайси Жанубий Африка Республикаси ёзувчиси қаламига мансуб? **Э. Мпахлеле қаламига мансуб.**

389. "Икки саодатли сайёранинг учрашуви" (1289 й.) достони қайси форс-тожик шоири, адабиётшунос, бастакор қаламига мансуб? **Хусрав Деҳлавий (тахаллуси; тўла номи Яминиддин Абдулҳасан) (1253-1325 йй.) қаламига мансуб.**

390. "Иккинчи умр" (1949 й.) тўплами қайси тожик адиби қаламига мансуб? **Рахим Жамил (1909 й.) қаламига мансуб.**

391. "Иккинчи қор ёғишдан аввал" (1967 й.) қиссаси муаллифи қайси ҳинд ёзувчиси? **Кришан Чандар (1913-1977 йй.).**

392. "Икковлон" (1942 й.) пьесаси қайси ҳинд ёзувчиси қаламига мансуб? **Боқдонаддхай Тарашонкор (1898-1971 йй.) қаламига мансуб.**

393. "Икс" асари қайси рус ёзувчиси қаламига

мансуб? **Замятин Евгений Иванович (1884-1937 йй.) қаламига мансуб.**

394. "Илгари битта эди" (1934 й.) ҳикоялар тўплами муаллифи қайси ўзбек ёзувчиси? **Азизхўжаев Рахмат (1907 й.).**

395. "Илдизим ва ўзим" (2015 й.) тарихий-ҳужжатли романи муаллифи қайси ўзбек ёзувчиси, драмагург, публицист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1990 й.)? **Иброхимов Абдукаххор Абдусаматович (1939 йилда туғилган).**

396. "Илдизлар" (1984 й.) асари қайси ўзбек шоири, драмагург; таржимон, Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1980), Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори (1972 й.) қаламига мансуб? **Асқад Мухтор (тахаллуси; фамилияси Мухторов) (1920 - 1997 йй.) қаламига мансуб.**

397. "Илдизлар ва бутоқлар" китоби қайси шоир, тасаввуф фалсафасининг йирик вакили қаламига мансуб? **Нафасий Азизиддин (тахаллуси; тўлик исм-шарифи Азизиддин ибн Мухаммад Нафасий) (?, Нафас - 1263, Язд, Абаркўҳ) қаламига мансуб.**

398. "Илдизлар ва япроқлар" (1982 й.) романи қайси ўзбек шоири, романнавис, Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1981 й.) қаламига мансуб? **Мирсаидов Мирмухсин (1921-2005 йй.) қаламига мансуб.**

399. "Ильдар" (1941 й.) опера либреттоси муаллифи қайси татар шоири, татар опера ва балет театри асосчиларидан бири? **Муса Жалил (тахаллуси, асл исм-шарифи Жалилов Мусо Мустафович (1906-1944 йй.).**

400. "Или дарёси бўйида" (1953 й.) кинокиссаси муаллифи қайси уйғур ёзувчиси, Қозоғистон халқ ёзувчиси (1986 й.)? **Зиё Самадий (1914 йилда туғилган).**

401. "Илиада" эпик достони муаллифи қайси Қадимги Юнонистоннинг афсонавий шоири? **Гомер.**

402. "Илинж" (1974 й.) асари қайси Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори (1990 й.). Ўзбекистон халқ шоираси (1992 й.) қаламига мансуб? **Худойбердиева Ҳалима (1947 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

403. "Илинж" (2008 й.) романи қайси ўзбек ёзувчиси қаламига мансуб? **Туроб Мақсуд (1947-2016 йй.) қаламига мансуб.**

404. "Илинж" шеърий тўплами қайси ўзбек шоири қаламига мансуб? **Амиркул Карим (1960 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

405. Илк бор қайси кореялик адиб сатирик қиссалар ёзган? **Лим Же (1549-1587 йй.) сатирик қиссалар ёзган.**

406. "Илк завқ" (1923 й.) ҳикоялар тўплами қайси турк ёзувчиси қаламига мансуб? **Мехмет Рауф (1875-1931 йй.) қаламига мансуб.**

407. Илк бадиий асари - трилогияси ("Бу Ленинградда бўлган эди", 1944 й.; "Лида", 1945 й.; "Тинчлик даври", 1947 й.) қайси рус ёзувчиси, Меҳнат Қаҳрамони (1973 й.) қаламига мансуб? **Чаковский Александр Борисович (1913 й.) қаламига мансуб.**

408. "Илк поездларда" (1943 й.) шеърий тўплами муаллифи қайси рус шоири, Нобель мукофоти совриндори (1958 й.)? **Пастернак Борис Леонидович (1890-1960 йй.).**

409. "Илк қадамлар" (1925 й.) ҳикоялар тўплами қайси немис ёзувчиси қаламига мансуб? **Цвейг Арнольд (1887 –1968 йй.) қаламига мансуб.**

410. "Илк кечинмалар" (1911 й.) ҳикоялар тўплами қайси Австрия ёзувчиси қаламига мансуб? **Цвейг Стефан (1881-1942 йй.) қаламига мансуб.**

411. "Илк муҳаббат" (1968 й.) шеърий китоби қайси Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори (1990 й.), Ўзбекистон халқ шоираси (1992 й.) қаламига мансуб? **Худойбердиева Ҳалима (1947 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

412. "Илк садо" (1949 й.) дастлабки шеърий

тўплами қайси Қирғизистон халқ шоири (1974 й.), Тўқтағул Сотилғанов номидаги Қирғизистон Давлат мукофоти совриндори (1986 й.) қаламига мансуб? **Эралиев Суюнбой (1921 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

413. "Илк учрашувлар" (1909 й.) шеърий китоби муаллифи қайси рус адибаси? **Шагинян Мариэтта Сергеевна (1888 йилда туғилган). Филология фанлари доктори (1946 й.), Арманистон ФА мухбир аъзоси (1950 й.), Меҳнат Қаҳрамони (1976 й.).**

414. "Илкэной, уйғон" (1968 й.) асари қайси бошқирд адибаси қаламига мансуб? **Л. Каримова қаламига мансуб.**

415. "Илми Ибрат" шеърий тўплами (1909 й.) қайси ўзбек шоири қаламига мансуб? **Ибрат (тахаллуси; асл исм-шарифи Исҳоқхон Жунайдуллахўжа ўғли) (1861-1937 йй.) қаламига мансуб.**

416. "Илож" ғазали муаллифи қайси ўзбек шоири қаламига мансуб? **Юсуф Сарёмий (тахаллуси; тўлиқ исм-шарифи Юсуф мулла Абдушукур ўғли) (1840-1912 йй.) қаламига мансуб.**

417. "Илоҳий дунё" (1963 й.) новеллалар тўплами қайси араб ёзувчиси (Миср), Нобель мукофоти совриндори (1988 й.) қаламига мансуб? **Нажиб Маҳфуз (1911 й.) қаламига мансуб.**

418. "Илоҳий комедия" (1307-1321 йй.) асари қайси итальян шоири қаламига мансуб? **Данте Алигьери (1265-1321 йй.) қаламига мансуб.**

419. "Илоҳий комедия" достонининг (Данте Алигьери, 1265-1321 йй.) "Дўзах" қисми 1978 йилда қайси шоир томонидан ўзбек тилига таржима қилинган? **Орипов Абдулла (1941-2016 йй.) томонидан ўзбек тилига таржима қилинган.**

420. "Илоҳий сир" пьесаси муаллифи қайси швед ёзувчиси ва драматург, Швеция ФА акад. (1940 й.), Нобель мукофоти совриндори (1951 й.)? **Лагерквист Пер Фабиан (1891-1974 йй.).**

421. "Илоҳийнома" асари маснавий йўлида битилган ишқий-маърифий, фалсафий-ахлоқий достони қайси мутасаввиф шоир қаламига мансуб? **Фаридиддин Аттор (тахаллуси; асл исм-шарифи Муҳаммад Абу Бакр ибн Иброҳим) (тахм. 1148/51 й. - Нишопур - 1219-/1221 й. қаламига мансуб.**

422. "Илк лафтар" (1960 й.) шеърий тўплами муаллифи қайси қорақалпоқ шоири? **Сейтназаров Галим Жамолович (1927 йилда туғилган).**

423. "Илм толибига" асари қайси афғон шоири қаламига мансуб? **Ҳамза Шинвораӣ Абдумурод (1907-1994 йй.) қаламига мансуб.**

424. Илм -фаннинг турли соҳаларида машҳур бўлгани учун Термизийни замондошлари нима деб улуғлашган? **"ал-Ҳаким" деб улуғлашган.**

425. "Илм хосияти" (1890 й.) маснавийи муаллифи қайси ўзбек шоири? **Фурқат (тахаллуси; асл исм-шарифи Зокиржон Мулло Ҳолмуҳаммад ўғли) (1859-1909 йй.).**

426. "Илм ҳидояти" (1916 й.) сахна асари Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1926 й.) қаламига мансуб? **Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий (1889-1929 йй.) қаламига мансуб.**

427. "Илм" (1930 й.) асари қайси ўзбек шоири қаламига мансуб? **Оразий (тахаллуси; асл исм-шарифи Алихон Муллаохун ўғли, 1869-Наманган - 1942 йй.) қаламига мансуб.**

428. "Илмнома" рисоласи қайси турк шоири қаламига мансуб? **Валад Муҳаммад Баҳоуддин (1226-1312 йй.) қаламига мансуб.**

429. "Илон изидан" (1968 й.) асари муаллифи қайси ўзбек адиби? **А. Ҳакимов.**

430. "Илон кулчаси" (1932 й.) романи қайси француз романнависи, драматург ва шоир, Нобель мукофоти совриндори (1952 й.) қаламига мансуб? **Франсуа**

Мориак (1885-1970 йй.) қаламига мансуб.

431. "Илон хотин" (1762 й.) драмаси муаллифи қайси италиялик драматург? **Гоцци Карло (1720-1806 йй.).**

432. "Илон ўчи" (1995 й.) романи қайси ўзбек шоири, романнавис, Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1981 й.) қаламига мансуб? **Мирсандов Мирмухсин (1921-2005 йй.) қаламига мансуб.**

433. "Илонлар ўрами" (1939 й.) романи қайси француз ёзувчиси, Франция ФА аъзоси, Нобель мукофоти совриндори (1952 й.) қаламига мансуб? **Мориак Франсуа (1885-1970 йй.) қаламига мансуб.**

434. "Илонхўр" (1901 й.) достони қайси грузин ёзувчиси қаламига мансуб? **Важа Пшавела (тахаллуси; асл исми Лука Павлович Розикашвили) (1861-1915 й.) қаламига мансуб.**

435. "Илонни ўлдирсалар" (1976 й.) асари қайси турк шоири ва ёзувчи қаламига мансуб? **Яшар Камол Содик Гўкчали) (1922 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

436. "Илоннинг нозик овози" (1952 й.) ҳикоялар тўплами қайси Жанубий Африка Республикаси адиби, Нобель мукофоти совриндори (1991 й.)нинг қаламига мансуб? **Гордимер Надин (1923 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

437. "Илон шоҳ ва унинг амалдори Ари ҳақида эртак" (1963 й.) асари қайси ўзбек болалар шоири қаламига мансуб? **Кудрат Ҳикмат (1925-1968 йй.) қаламига мансуб.**

438. "Илоҳий қўшиқлар бўстони" шеърий тўплами муаллифи қайси украин шоири? **Г. С. Сковорода (1722 - 1799 йй.).**

439. "Илтижо" (1976 й.) асари қайси ўзбек адиби, Ўзбекистон халқ шоири (1999 й.) қаламига мансуб? **Тўра Сулаймон (1934-2005 йй.) қаламига мансуб.**

440. "Илтижо" (1988 й.) шеърий китоби қайси

Ўзбекистон халқ шоири (1998 й.) қаламига мансуб? **Муҳаммад Юсуф (тахаллуси; асл исм-шарифи Юсупов Муҳаммаджон) (1954-2001 йй.) қаламига мансуб.**

441. "Илтижогўйлар" драмаси қайси юнон драматурги, "трагедиянинг отаси" қаламига мансуб? **Эсхил (мил. авв. 525 - 456 йй.) қаламига мансуб.**

442. "Илҳом водийси" шеърий тўплами қайси ўзбек адиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими қаламига мансуб? **Ҳакимов Оҳунжон (1934 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

443. "Илҳом дақиқалари" (1971 й.) шеърий тўплами қайси ўзбек адиби, драматург, таржимон, Ўзбекистон халқ шоири (1997 й.), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби қаламига мансуб? **Жабборов Жуманиёз (1930 - 2011 йй.) қаламига мансуб.**

444. "Илҳом париси" (1980 й.) шеърий тўплами қайси ўзбек шоири, таржимон, олим, Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1992 й.) қаламига мансуб? **Муҳаммад Али (тахаллуси; асли исм-шарифи Ахмедов Муҳаммад Али), (1942 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

445. "Илҳом" (1967 й.) шеърий тўплами муаллифи қайси тожик шоири, драматург, Тожикистон халқ шоири (1962 й.)? **Миршакар (тахаллуси; асл исм-шарифи Миршакаров Мирсаид) (1912-1993 йй.).**

446. "Илҳом туйғулари" (1961 й.) асари қайси уйғур шоири қаламига мансуб? **Искандаров Изим (1906 й.) қаламига мансуб.**

447. "Илҳомбахш муҳаббат, оловли нафрат" (1943 й.) илк шеърлар тўплами қайси Доғистон халқ шоири (1959 й.) қаламига мансуб? **Ҳамзатов Расул Ҳамзатович (1923-2003 йй.) қаламига мансуб.**

448. Илҳом Зойир (1961 йилда туғилган) жаҳон болалар адабиётидан Синкен Хопп, Ян Экхольмларнинг қайси асарларини ўзбек тилига таржима қилган?

"Сехрли бўр" (2004 й.); "Софдил Малловой" (2006 й.) эртак-қиссаларини ўзбек тилига таржима қилган.

449. "Илья Муромец" (1922 й.) трагедияси қайси драматург, Латвия халқ шоири (1940 й.) қаламига мансуб? **Райнис Ян (тахаллуси; асл исм-шарифи Янис Плиекшанс) (1865-1929 йй.) қаламига мансуб.**

450. "Илик тош" (1966 й.) асари қайси Кабарда - Балкария халқ шоири (1964 й.) қаламига мансуб? **Кешоков Алим Пшемахович (1914 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

451. "Илликлик" (1954-1955 йй.) қиссаси қайси рус ёзувчиси қаламига мансуб? **Эренбург Илья Григорьевич (1891-1967 йй.) қаламига мансуб.**

452. "Имом Зайниддин Ғазолий" асари қайси ўзбек ёзувчиси, филология фанлари номзоди, "Меҳнат шуҳрати" ордени (1998 й.) совриндори қаламига мансуб? **Махмудов Маҳкам (1940 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

453. "Имон" (1969 й.) драмаси қайси адабиётшунос, танқидчи, драматург, Ўзбекистон ФА акад. (1995 й.) қаламига мансуб? **Иззат Султон (тўлик исм-шарифи Иззат Отахонович Султонов) (1910 - 2001 йй.) қаламига мансуб.**

454. "Имон калъаси" (1994 й.) шеърий тўплами қайси ўзбек шоири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, "Олтин қалам" Халқаро мукофоти соҳиби қаламига мансуб? **Тошпўлат Аҳмад (1942 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

455. "Имоним, эътиқодим" шеърий тўплами қайси ўзбек шоири, достоннавис, таржимон қаламига мансуб? **Султон Акбарий (тахаллуси; асл исм-шарифи Акбаров Султон) (1923-1997 йй.) қаламига мансуб.**

456. "Иммораликет" (1902 й.) романи қайси француз ёзувчиси, Нобель мукофоти совриндори (1947 й.) қаламига мансуб? **Жид Андре Поль Гийом (1869-**

1951 йй.) қаламига мансуб.

457. "Империал пассажирлар" (1947 й.) романи муаллифи қайси француз ёзувчиси? **Арагон Луи (1897-1982 йй.).**

458. "Император" (1922 й.) романи қайси хинд ёзувчиси ва жамоат арбоби қаламига мансуб? **Мушши, Капъялол Манеклал (1887 й.) қаламига мансуб.**

459. "Император Жонс" пьесаси қайси америкалик драматург. Нобель мукофоти совриндори (1936 й.) қаламига мансуб? **О'Нил Южин Гладстоун (1888 -1953 йй.) қаламига мансуб.**

460. "Империя" трилогияси ("Содик фукаро", 1914 й.; "Камбағаллар", 1917 й.; "Бош", 1925 й.) қайси немис ёзувчиси қаламига мансуб? **Манн Генрех (1871-1950 йй.) қаламига мансуб.**

461. "Импровизатор" (1835 й.) романи қайси Дания ёзувчиси қаламига мансуб? **Андереен Ханс Кристиан (1805-1875 йй.) қаламига мансуб.**

462. "Импровизатор" (1833 й.) фантастик романи қайси америкалик ёзувчи қаламига мансуб? **О' Генри (тахаллуси, асл исм - шарифи Уильям Сидни Портер) (1862 - 1910 йй.) қаламига мансуб.**

463. "Имтиҳон" пьесаси қайси ўзбек адиби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси қаламига мансуб? **Мусажонов Фарҳод (1933-2013 йй.) қаламига мансуб.**

464. "Имтиҳон" (1987 й.) шеърий тўплами қайси ўзбек шоираси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими қаламига мансуб? **Жўраева Гулчехра (1937 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

465. "Имтиҳон" (1956 й.) биринчи шеъри қайси ўзбек шоири қаламига мансуб? **Барот Иероил (1938 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

466. "Инвожо тунда ҳам порлайди" (1974 й.) асари қайси удмурт шоири қаламига мансуб? **Р. Г. Валиш қаламига мансуб.**

467. "Ингеборг" (1906 й.) романи кайси немис ёзувчиси қаламига мансуб? **Келлерман Бернхард (1879-1951 йй.) қаламига мансуб.**

468. "Инглиз адмиралларининг биографияси" (1801 й.) асари муаллифи кайси инглиз шоири? **Саути Роберт (1774-1843 йй.).**

469. Инглиз адиби Уильям Шекспирнинг дастлабки "Генрих VI" пьесаси кайси инглиз шоири ва драматург билан ҳамкорликда ёзилган, деб тахмин қилинади? **Марло Кристофер (1564-1593 йй.) билан ёзилган деб тахмин қилинади.**

470. Инглиз адиби Уильям Шекспирнинг дастлабки "Тит Андроник" пьесаси кайси инглиз шоири ва драматург билан ҳамкорликда ёзилган, деб тахмин қилинади? **Марло Кристофер (1564-1593 йй.) билан ёзилган деб тахмин қилинади.**

471. Инглиз адиби Рид Томас Майн (1818-1883 йй.) ижодий мероси неча жилдга яқин? **60 жилдга яқин.**

472. Инглиз драматурги ва шоир Шекспир Уильям (1564-1616 йй.)нинг бутун ижодини нурлантириб турувчи фазилат нима? **Юксак ахлоқий - маънавий муаммоларининг таевири.**

473. Инглиз ёзувчиси ва жамоат арбоби Олдриж Жеймс (1918 йилда туғилган) нечанчи йилда Ўзбекистонда бўлган? **1979 йилда Ўзбекистонда бўлган.**

474. Инглиз ёзувчиси Шелли Перси Биш (1792-1822 йй.) кайси рисоласи учун Оксфорд университетидан хайдалган? **"Атеизмнинг зарурияти" (1811 й.) рисоласи учун Оксфорд университетидан хайдалган.**

475. Инглиз драматурги ва шоир Шекспир Уильям (1564-1616 йй.)нинг ўзбек томошабинлари томонидан нечанчи йилда кайси асари билан кайси театрда кашф этилган? **1935 йилда "Ҳамлет" трагедиясининг Ҳамза номидаги драма театри (хозирги ўзбек мил-**

лий академик драма театри)да саҳналаштирилиши билан кашф этилган.

476. Инглиз ёзувчиси, публицист, реалистик наср асосчиларидан бири Дефо Даниелга (тахм. 1660-1731 йй.) кайси романи унга оламшумул шухрат келтирган? **"Робинзон Крузонинг ҳаёти, ажойиб ва ғаройиб саргузаштлари" (1719 й.) романи унга оламшумул шухрат келтирган.**

477. Инглиз ёзувчиси Кристи Агата (1891-1976 йй.) нечта роман муаллифи? **85 та роман муаллифи.**

478. Инглиз ёзувчиси Кристи Агата (1891-1976 йй.) нечта пьеса муаллифи? **20 та пьеса муаллифи.**

479. Инглиз ёзувчиси Кристи Агата (1891-1976 йй.) асарлари нечта тилга таржима қилинган? **103 та тилга таржима қилинган.**

480. Инглиз ёзувчиси, Нобель мукофоти совриндори (1925 й.) Шоу Жорж Бернард (1856-1950 йй.) қанча саҳна асарини яратган? **30 дан ортиқ саҳна асарини яратган.**

481. Инглиз ёзувчиси, Нобель мукофоти совриндори (1983 й.) Голдинг Уильям (1911-1993 йй.) нечта роман ёзган? **16 та роман ёзган.**

482. Инглиз ёзувчиси Уэллс Герберт Жоржнинг кайси романи Марсдан қилинган ҳужум натижасида кишиларда ўз ижтимоий тузумининг мукаммаллигига шубҳа туғилиши ҳақида ҳикоя қилган? **"Дупёлар мухорабаси" (1898 й.) романида ҳикоя қилган.**

483. Инглиз ёзувчиси Уэллс Герберт Жорж (1866-1946 йй.) кайси романи-трактатларида ўз назариясини марксизмга карама-карши қўйган? **"Ошкора фитна" (1928 й.) роман-трактатларида ўз назариясини марксизмга карама-карши қўйган.**

484. Инглиз ёзувчиси Уэллс Герберт Жорж (1866-1946 йй.)нинг кайси романи ўзбек тилида нечанчи

йили нашр қилинган? **"Кўринмас одам" романи 1967 йили нашр қилинган.**

485. Инглиз ёзувчиси Уэллс Герберт Жорж (1866-1946 йй.)нинг "Озод этилган дунё" (1914 й.) асарида қандай масала ёритилган? **Атом энергиясидан уруш ҳамда тинчлик мақсадларида фойдаланиш масаласи ёритилган.**

486. "Инглиз комик характерлари" (1925 й.) танқидий асарлари муаллифи қайси инглиз адиби? **Пристли Жон Бойнтон (1894 й.).**

487. Инглиз прозаиги, драматург ва шоир, Нобель мукофоти совриндори (1932 й.) Голсуорси Жон (1867-1933 йй.) нечта роман муаллифи? **20 та роман муаллифи.**

488. Инглиз прозаиги, драматург ва шоир, Нобель мукофоти совриндори (1932 й.) Голсуорси Жон (1867-1933 йй.) нечта пьеса муаллифи? **27 та пьеса муаллифи.**

489. Инглиз прозаиги, драматург ва шоир, Нобель мукофоти совриндори (1932 й.) Голсуорси Жон (1867-1933 йй.) нечта шеърлар тўплами муаллифи? **3 та шеърлар тўплами муаллифи.**

490. Инглиз прозаиги, драматург ва шоир, Нобель мукофоти совриндори (1932 й.) Голсуорси Жон (1867-1933 йй.) нечта новелла муаллифи? **173 та новелла муаллифи.**

491. Инглиз прозаиги, драматург ва шоир, Нобель мукофоти совриндори (1932 й.) Голсуорси Жон (1867-1933 йй.) нечта эссе муаллифи? **5 та эссе тўплами муаллифи.**

492. Инглиз ёзувчиси, тарихий роман жанри асосчиси Скотт Вальтер (1771-1832 йй.) нечта достон муаллифи? **9 та достон муаллифи.**

493. Инглиз ёзувчиси, тарихий роман жанри асосчиси Скотт Вальтер (1771-1832 йй.) нечта роман муаллифи? **26 та роман муаллифи.**

494. Инглиз романтик шоири Колриж Сэмюэл

Тейлор (1772-1834 йй.)нинг "Тавба-тазарру" драмаси нечанчи йилда ёзилган? **1813 йилда ёзилган.**

495. Инглиз туркийшуноси Клосон Жерард (1891 й., Мальта ороли 1971 й., Лондон) туркийшуносликка оид қанча илмий иш эълон қилган? **Элликка яқин илмий иш эълон қилган.**

496. Инглиз шоири, прозаиг ва новеллалар устаси Киплинг Рэдьярд (1865–1936 йй.)нинг қайси романи унга Нобель мукофоти (1907 й.) беришга катта ҳисса қўшган? **"Ким" романи.**

497. Инглиз шоири, прозаиг ва новеллалар устаси Киплинг Рэдьярд (1865–1936 йй.)нинг "Ким" романи качон босилган? **1900 йилнинг охирларида босилган.**

498. "Инглиз файласуфи Юмга жавоб" (1870 й.) асари қайси Озарбайжон ёзувчиси қаламига мансуб? **Охундов Мирза Фатали (1812-1878 йй.) қаламига мансуб.**

499. "Инглиз халқини химоя қилиш" (1650 й., 1654 й.) асари қайси инглиз шоири, публицист қаламига мансуб? **Мильтон Жон (1608-1674 йй.) қаламига мансуб.**

500. Инглиз-америкалик шоири ва адабий танқидчи, Нобель мукофоти совриндори (1948 й.) Элиот Томас Стернз (1888-1965 йй.) нечанчи йилда танқидий мақолаларини "Поэзия ва танқиднинг вазифаси" номи билан нашр этган? **1933 йилда нашр этган.**

501. "Инглизча туш" (2010 й.) қайси ўзбек ёзувчиси қаламига мансуб? **Ҳабиб Сиддик (1953 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

502. "Индамаслар олами" (1969 й.) асари қайси ўзбек шоири, драматург, таржимон қаламига мансуб? **Чустий (тахаллуси; асл исм-шарифи Хўжаев Набихон) (1904 - 1983 йй.) қаламига мансуб.**

503. "Индиана" (1832 й.) романи муаллифи қайси

француз адибаси? **Санд Жорж (тахаллуси; асл исм-шарифи Аврора Дюпен) (1804-1876 йй.).**

504. "Индира" (1872 й.) повести қайси хинд ёзувчиси, шоир қаламига мансуб? **Чоттопаддхая Бонкимчондро (1838-1894 йй.) қаламига мансуб.**

1699. "Лабиҳовуз хандалари" (1973 й.) асари кайси ўзбек адиби, Ўзбекистон халк ёзувчиси (1992 й.) каламига мансуб? **Аминов Неъмат (1937-2005 йй.) каламига мансуб.**

1700. "Лабиринтлар" шеърий китоби кайси нигериялик адиб каламига мансуб? **К. Окигбо каламига мансуб.**

1701. "Лавранс кизи Кристин" трилогия ("Тож", 1920 й.; "Бека", 1922 й.; "Хоч", 1922 й.) трилогияси кайси Норвегия адибаси, Нобель мукофоти совриндори (1928 й.) каламига мансуб? **Унсет Сигрид (1882-1949 йй.) каламига мансуб.**

1702. "Ладияс" (1899 й.) шеърий пьесаси кайси

араб (Миср) шоири, драматург каламига мансуб? **Шавқий Ахмад (1868-1932 йй.) каламига мансуб.**

1703. "Лагер кўйнида" (1959 й.) биринчи шеъри кайси ўзбек адиби каламига мансуб? **Барноев Сафар (1938-2000 йй.) каламига мансуб.**

1704. "Лайли ва Мажнун" маснавийи кайси хуросонлик шоир каламига мансуб? **Сухайлий Ахмад Амир Низомуддин (1512 й. в.э.) каламига мансуб.**

1705. "Лайли ва Мажнун" (1973 й.) достони муаллифи кайси Озарбайжон халк шоири (1960 й.), Озарбайжонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1944 й.), Мехнат Кахрамони (1980 й.)? **Расул Рзо (тахаллуси: асл исм-шарифи Расул Иброхим ўғли Рзаев) (1910-1981 йй.).**

1706. "Лайли ва Мажнун" асари кайси тарихчи, шоир каламига мансуб? **Абдулла Хотифий (? - 1521 й.), Абдурахмон Жомийнинг жияни (синглисининг ўғли) каламига мансуб.**

1707. "Лайли ва Мажнун" драматик асари муаллифи кайси ўзбек шоири, олим, драматург? **Авлоний, Абдулла Авлоний (1878 – 1934 йй.).**

1708. "Лайли ва Мажнун" мусикали драмаси кайси ўзбек шоири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1941 й.) каламига мансуб? **Хуршид (тахаллуси; асл исм-шарифи Шарафиддинов Шамсиддин) (1892-1960 йй.) каламига мансуб.**

1709. "Лайло" (1969 й.) достони муаллифи кайси ўзбек шоири? **Хайриддин Салох (Салохиддинов Хайриддин) (1934-1969 йй.).**

1710. "Лайча етаклаган хоним" (1899 й.) хикояси кайси рус ёзувчиси каламига мансуб? **Чехов Антон Павлович (1860-1904 йй.) каламига мансуб.**

1711. "Лалла Рук" (1817 й.) достони муаллифи кайси инглиз шоири? **Мур Томас (1799-1852 йй.).**

1712. "Ламьель" (1839-1842 йй.) романи кайси француз ёзувчиси каламига мансуб? **Стендаль**

(тахаллуси; асл исм-шарифи Анри Мари Бейль) (1783-1842 йй.) каламига мансуб.

1713. "Ламбетлик Лиза" (1897 й.) романи муаллифи кайси инглиз ёзувчиси? **Моэм Уильям Somерсет (1874-1965 йй.).**

1714. "Лампа шиша" хажвий асари кайси ўзбек адиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1968 й.), Ўзбекистон халк ёзувчиси (1980 й.), Ўзбекистон Кахрамони (1999 й.) каламига мансуб? **Саид Ахмад (тахаллуси; асл исм-шарифи Хусанхўжаев Саидахмад) (1920-2008 йй.) каламига мансуб.**

1715. "Лангар" (1984 й.) шеърий тўплами кайси тожик шоири каламига мансуб? **Гулназар Келдиев каламига мансуб.**

1716. "Лангар остида" (1938 й.) тўплами муаллифи кайси белорус шоири, Белоруссия халк шоири (1968 й.), Белоруссия ФА акад. (1972 й.), Мехнат Кахрамони (1974 й.)? **Танк Максим (тахаллуси, асл исм-шарифи Евгений Иванович Скурко, 1912 йилда тугилган).**

1717. "Лангар фожиаси" (2014 й.) романи кайси ёзувчи каламига мансуб? **Гулом Каримий (1962-2014 йй.) каламига мансуб.**

1718. "Лангартог йўлида" (2016 й.) хикояси кайси ёзувчи каламига мансуб? **Гафур Шермухаммад (1973 йилда тугилган) каламига мансуб.**

1719. "Ланни Бэдд хакидаги" 11 жилддан иборат эпопияси (1940 - 1953 йй.) муаллифи кайси Америка ёзувчиси? **Синклер Эптон Бил (1878 - 1968 йй.).**

1720. "Лаон ва Цитта" (1817 й.) асари кайси инглиз шоири каламига мансуб? **Шелли Перси Биш (1792-1822 йй.) каламига мансуб.**

1721. "Лаънатланган ва ўлдирилганлар" (1-китоб, 1992 й.) романи кайси рус ёзувчиси каламига мансуб? **Астафьев Виктор Петрович (1924 йилда тугилган) каламига мансуб.**

1722. "Лаънатланган сўз" (1950 й.) публицистик маколалар тўплами муаллифи кайси Чили шоираси, педагог, жамоат арбоби. Нобель мукофоти совриндори (1945 й.)? **Мистраль Габриела (тахаллуси; асл исм-шарифи Лусила Галой Алькаяга) (1889-1957 йй.).**

1723. "Лара" (1814 й.) достони муаллифи кайси инглиз шоири? **Байрон Жорж Ноэл Гордон (1788-1824 йй.).**

1724. "Ласточка" (1969 й.) асари муаллифи кайси ўзбек шоири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1977 й.)? **Тошпўлат Хамид (Хамидов Тошпўлат Хакимович), (1927-1984 йй.).**

1725. "Латиф хангомалар" (2013 й.) асари кайси ўзбек ёзувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими каламига мансуб"? **Эгамназаров Алиназар (1941 йилда тугилган) каламига мансуб.**

1726. "Латифа" хикояси муаллифи кайси венгер ёзувчиси? **Залка Мате (1896-1937 йй.).**

1727. "Латофатнома" асари кайси хўжандлик шоир каламига мансуб? **Хўжандий (XIV асрнинг 2-ярми-Хўжанд-XV аср бошлари) каламига мансуб.**

1728. "Латойифи Тарозий" ("Тарозий совгаси" (1436-1437 йй.) асари кайси шоир каламига мансуб? **Тарозий (тахаллуси; асл исм-шарифи Шайх Ахмад ибн Худойдод) (XIV аср охири -Мовароуннахр - XV асрнинг 1-ярми) каламига мансуб.**

1729. "Лафз" (2003 й.) асари кайси ўзбек адиби, Ўзбекистон халк ёзувчиси каламига мансуб? **Мусажонов Фарход (1933-2013 йй.) каламига мансуб.**

1730. "Лаккилар касалхонада" асари кайси коракалпок адиби каламига мансуб? **К. Рахмонов каламига мансуб.**

1731. "Ларза" (1962 й.) киссаси кайси Ўзбекистон халк ёзувчиси (1985 й.) каламига мансуб? **Ёкубов Одил (1926-2010 йй.) каламига мансуб.**

1732. "Лаҳза" (1900 й.) очерки муаллифи кайси рус ёзувчиси, публицист. Петербург (1900-1902 йй.) ва Россия (1918 й.) ФА фахрий аъзоси? **Короленко Владимир Галактионович (1853-1921 йй.).**

1733. "Лаҳза" (1900 й.) шеърий тўплами муаллифи кайси хинд алиби, Нобель мукофоти совриндори (1913 й.)? **Тагор Рабиндранат (Тхакур Робиндронатх, 1861-1941 йй.).**

1734. "Лаҳза ва ларза" (1973 й.) шеърий тўплами кайси ўзбек адиби, Ўзбекистон халқ шоири (2000 й.), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими каламига мансуб? **Нарзуллаев Нормурод (1934-2006 йй.) каламига мансуб.**

1735. "Лаҳза синиклари" тўплами кайси ўзбек шоири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (2012 й.)

француз адибаси? **Санд Жорж (таҳаллуси; асл исм-шарифи Аврора Дюпен) (1804-1876 йй.).**

1743. "Лелия ёки Жорж Санд ҳаёти" (1952 й.) асари муаллифи кайси француз ёзувчиси, Франция Академияси аъзоси (1938 й.)? **Моруа Андре (таҳаллуси; асл исм-шарифи Эмиль Эрзог, 1885-1967 йй.).**

1744. "Ленинград билан учрашув" (1944 й.) асари кайси рус ёзувчиси, собиқ Игнифок ФА аъзоси (1958 й.), Мехнат Қаҳрамони (1967 й.) каламига мансуб? **Федин Константин Александрович (1892-1977 йй.) каламига мансуб.**

1745. "Ленинград" асари муаллифи кайси шоири ва драматург, фило

1752. Лермонтов Михаил Юрьевичнинг "Демон" лостонини мохирлик билан кайси шоир ўзбек тилига таржима килган? **Усмон Носир (1912-1944 йй.) таржима килган.**

1753. "Лешкалан сўрашни унутибман" (1961 й.) асари муаллифи кайси рус ёзувчиси? **Распутин Валентин Григорьевич (1937 йилда тугилган).**

1754. "Лённеберглик Эмил (1963-1972 йй.) асари кайси швед ёзувчиси, Нобель мукофоти совриндори (1994 й.) каламига мансуб? **Линдгрен Астрид Анна Эмилия (1907 йилда тугилган) каламига мансуб.**

1755. "Лёнушка" (1943 й.) драмаси кайси рус ёзувчиси, собик Иттифок ФА акад. (1972 й.) каламига мансуб? **Леонов Леонид Максимович (1899 - 1994 йй.) каламига мансуб.**

1756. "Ливан калби" (1924 й.) асари муаллифи кайси ливанлик ёзувчи? **Амин Райхоний (1876-1940 йй.).**

1762. "Лиодор" (1792 й.) киссаси кайси рус ёзувчиси каламига мансуб? **Карамзин Николай Михайлович (1766-1824 йй.) каламига мансуб.**

1763. "Лира" (1841 й.) асари муаллифи кайси рус ёзувчиси? **Салтиков Михаил Евграфович, Салтиков-Шчедрин (асл фамилияси Салтиков; тахаллуси - Н. Щчедрин) (1826-1889 йй.).**

1764. "Лирика" (1907 й.) насрий туплами муаллифи кайси рус ёзувчиси? **Толстой Алексей Николаевич (1882-1945 йй.).**

1765. "Лирика" (1939 й.) шеърий туплами муаллифи кайси рус шоири? **Щчипачев Степан Петрович (1898 й.).**

1766. "Лирика" (1970 й.) шеърий
ўзбек шоири, таржим
Абдураззок (19

1782. "Лисонут - Тайр" (
йй.) достони кай
суб? А

мансуб.

1791. "Лой" асари қайси ўзбек демократик адабиёти асосчиларидан бири, шоир ва мутафаккир каламига мансуб? **Мукимий (тахаллуси; асл исми Мухаммад Аминхўжа Мирзахўжа ўғли) (1850-1903 йй.) каламига мансуб.**

1792. "Лой ва чинни" (1947 й.) драмаси қайси Латвия халқ ёзувчиси (1976 й.), Латвия ФА акад. (1978 й.) каламига мансуб? **Григулис Арвид Петрович (1906-1989 йй.) каламига мансуб.**

1793. "Лойик соқчи" (1932 й.) дастлабки шеърий тўплами қайси шоир, драматург, адабиётшунос, таржимон, педагог каламига мансуб? **Шайхзода, Максуд Шайхзода (1908 й., Озарбайжон Республикаси, Оқтош ш. - 1967 й. Тошкент) каламига мансуб.**

1794. "Лой ўйинчоқлар" (1956 й.) асари муаллифи қайси хинд ёзувчиси? **Кришан Чандар (1913-1977 йй.).**

1795. "Лойхўрак, жуда кечикдинг" асари қайси Жанубий Африка Республикаси ёзувчиси каламига мансуб? **А. Пейтон қаламига мансуб.**

1796. "Лойқалар" ("Ғалаба") (1930 й.) пьесаси қайси танқидчи ва адабиётшунос каламига мансуб? **Сотги (тахаллуси; асл исм-шарифи Хусанов Сотти) (1906-1942 йй.) қаламига мансуб.**

1797. "Локис" повести муаллифи қайси француз ёзувчиси? **Мериме Проспер (1803-1870 йй.).**

1798. "Лола" (1927 й.) пьесаси муаллифи қайси ўзбек ёзувчиси, драматург? **Акрамов Исмоил Акрамович (1907 йилда туғилган).**

1799. "Лола" (1940 й.) достони шоири қаламига ... асл ...

2005 йй.) қаламига мансуб.

1801. "Лола" (1985 й.) асари қайси ўзбек ёзувчиси, драматург Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1992 й.) каламига мансуб? **Хайруллаев Мухаммаджон (1932 йилда туғилган) каламига мансуб.**

1802. "Лолалар очилганда" ҳикояси муаллифи қайси ўзбек ёзувчиси? **Шокир Сулаймон (асл исм - шарифи Сулаймонов Шокир, 1900-1942 йй.).**

1803. "Лолазордаги шумлик" ҳикояси муаллифи қайси ўзбек ёзувчиси? **Шокир Сулаймон (асл исм - шарифи Сулаймонов Шокир, 1900-1942 йй.).**

1804. "Лолазор" (1988 й.) романи қайси ўзбек адиби каламига мансуб? **Мухаммад Дўст Мурод (1949 й.) каламига мансуб.**

1805. "Лолазор" (1945 й.) шеърий тўпламн қайси ўзбек шоири, драматург, таржимон каламига мансуб? **Чустий (тахаллуси; асл исм-шарифи Хўжаев Набихон) (1904 - 1983 йй.) каламига мансуб.**

1806. "Лола кўл" достони қайси ўзбекистон халқ ёзувчиси (1979 й.) каламига мансуб? **Хамид Гулом (Ғуломов Хамид Убайдуллаевич) (1919 -2005 йй.) каламига мансуб.**

1807. "Лола ва Қурбон" (1949 й.) достони ... уйғур шоири ва адабиётшунос ... Рўзи Қодирий (тахаллуси; асл ... Рўзи) (1925 й., Қашқар ... мансуб.

1808. ... тўпл...

(1968 й.), Мехнат Қаҳрамони (1974 й.), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1939 й.) Х. Носиров ишини тугини ўтган, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси (1958-1980 йй.) каламига мансуб? **Яшин, Комил Яшин (тахаллуси; асл исм-шарифи Нуъмонов Комил) (1909-1997 йй.) каламига мансуб.**

1810. "Лолакизгалдоқ" (1975 й.) туркум шеърлари кайси ўзбек шоираси, журналист, таржимон, Ўзбекистон халқ шоираси (1965 й.), Халқаро Неру (1968 й.), "Нилуфар" (1971 й.) мукофотлари хамда Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти (1970 й.) совриндори, Мехнат Қаҳрамони (1984 й.), шоир Ҳамид Олимжон рафикаси каламига мансуб? **Зулфия (тахаллуси; тўлиқ исм-шарифи Исроилова Зулфия) (1915-1996 йй.) каламига мансуб.**

1811. "Лолита" романи муаллифи кайси рус ёзувчиси? **Набоков Владимир Владимирович (асл исм - шарифи; тахаллуси Сирин) (1899 - 1977 йй.).**

1812. "Лондонда бир окшом" (1937 й.) повести муаллифи кайси Ҳиндистон ва Покистон ёзувчиси? **Саҳжод Зоҳир (1905-1973 йй.).**

1813. Лонгфелло Генрининг "Гайавати хакида кўшик" (1996 й.) асарини кайси адиб рус тилига таржима килган? **Рус шоири, Петербург ФА фахрий акад. (1909 й.), Нобель мукофоти совриндори (1933 й.) Бунин Иван Алексеевич (1870 - 1953 йй.) рус тилига таржима килган.**

1814. "Лонжюмо" (1963 й.) поэмаси кайси рус шоири каламига мансуб? **Вознесенский Андрей Андреевич (1933 йилда тугилган) каламига мансуб.**

1815. "Лопатининг ёзишмаларидан" (1957 й.) асари кайси рус ёзувчиси ва жамоат арбоби, Мехнат Қаҳрамони (1974 й.) каламига мансуб? **Симонов Константин (Кирилл) Михайлович (1915-1979 йй.) каламига мансуб.**

1816. "Лорд Байроннинг ўлими" (1825 й.) асари кайси инглиз ёзувчиси каламига мансуб? **Скотт Вальтер (1771–1832 йй.) каламига мансуб.**

1817. "Лоренцаччо" (1834 й.) пьесаси муаллифи кайси француз ёзувчиси, Франция Академияси аъзоси (1852 й.)? **Мюссе Альфред де (1810 -1857 йй.).**

1818. "Лореци сако" (1889 й.) достони қайси арман ёзувчиси қаламига мансуб? **Туманян Ованес Тадевосович (1869-1923 йй.) қаламига мансуб.**

1819. "Лоцман" (1823 й.) романи қайси Америка ёзувчиси каламига мансуб? **Купер Жеймс Фенимор (1789-1851 йй.) қаламига мансуб.**

1820. Лотин Америкаси филологияси асосчиси қайси Венесуэла шоири, филолог? **Бельо Андерс (1781-1865 йй.).**

1821. "Лотинча битиклар тўплами " китоби (16 жилдли) кайси немис тарихчиси, Кил университетида Рим тарихи бўйича ўкиган, Нобель (адабиёт бўйича) мукофоти (1902 й.) совриндори каламига мансуб? **Теодор Моммзен (1817-1903 йй.) каламига мансуб.**

1822. "Лотинлаштириш курашида" (1928 й.) китоби муаллифи кайси журналист, ёзувчи? **Ромиз, Ромиз Маннон, Рамзий (тахаллуслари; асл исм-шарифи Абдуллаев Маннон) (1825 й., Тошкент - 1938 й., Красноярск).**

1823. "Лочин" асари кайси ўзбек адиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1968 й.), Ўзбекистон халк ёзувчиси (1980 й.), Ўзбекистон Қахрамони (1999 й.) қаламига мансуб? **Саид Ахмад (тахаллуси; асл исм-шарифи Ҳусанхўжаев Саидахмад) (1920-2008 йй.) қаламига мансуб.**

1824. "Лочин қанотлари" (1973 й.) романи қайси Ўзбекистон халк ёзувчиси (1984 й.) каламига мансуб? **Ҳаким Назир (тахаллуси; асл исм-шарифи Назаров Ҳаким Назирович) (1915-2008 йй.) қаламига мансуб.**

1825. "Лочинлар" (1885 й.) ҳикояси муаллифи кайси рус ёзувчиси, публицист, Петербург (1900-1902 йй.) ва Россия (1918 й.) ФА фахрий аъзоси? **Короленко Владимир Галактионович (1853-1921 йй.).**

1826. "Лочинлар" асари кайси давлат ва жамоат арбоби, ёзувчи, 2 марта Мехнат Қаҳрамони (1974, 1977 йй.) каламига мансуб? **Рашидов Шароф Рашидович (1917-1983 йй.) каламига мансуб.**

1827. "Лочиннинг ўрдакларни сахрога чикаргани" ҳикояси кайси шоир ва мутафаккир каламига мансуб? **Румий Жалолиддин (1207-1273 йй.) каламига мансуб.**

1828. "Лошмон" (1950 й.) пьесаси муаллифи кайси уйгур ёзувчиси, Қозоғистон халқ ёзувчиси (1986 й.)? **Зиё Самадий (1914 йилда туғилган).**

1829. "Лошмон фожиаси" (1916-1918 йй., 3 бўлимли) пьесаси кайси Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1926 й.) каламига мансуб? **Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий (1889-1929 йй.) каламига мансуб.**

1830. "Лужин ҳимояси" (1930 й.) киссаси муаллифи кайси рус ёзувчиси? **Набоков Владимир Владимирович (асл исм - шарифи; тахаллуси Сирин) (1899 - 1977 йй.).**

1831. "Лузум мо лам ялзум" ("Лозим бўлмаганнинг лозимлиги) тўпламн муаллифи кайси араб шоири? **Мааррий, ал-Мааррий Абулало Ахмад ибн Сулаймон ат-Танухи (973-Сурия-1057 ёки 1058 йй.).**

1832. "Лукаш ботир" (1974 й., Ё. Хулойқулов билан ҳамкорликда) пьесаси кайси Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1975 й.), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1950 й.) каламига мансуб? **Сафаров Назир (1905 -1985 йй.) каламига мансуб.**

1833. "Лукреция" (1594 й.) достони кайси инглиз адиби каламига мансуб? **Шекспир Уильям (1564-1616 йй.) каламига мансуб.**

1834. "Луис Карлос Престес хаёти" (1942 й.) асари кайси Бразилия ёзувчиси каламига мансуб? **Амаду Жоржи (1912 й.) каламига мансуб.**

1835. "Лунсюйгоу" (1950 й.) пьесаси муаллифи кайси Хитой халқ ёзувчиси? **Лао Шэ (тахаллуси; асл исм-шарифи Шу Шэюй) (1899 -1966 йй.).**

1836. "Лотта Ваймерда" (1939 й.) романи (Гёте ижоди ҳакидаги кўп йиллик ўйлар натижаси) кайси немис прозаиги, публицист, Нобель мукофоти совриндори (1929 й.) каламига мансуб? **Манн Томас (1875-1955 йй.) каламига мансуб.**

1837. "Луиза фожиаси" (1940 й.) достони кайси ўзбек шоири, романнавис, Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1981 й.) каламига мансуб? **Мирсандов Мирмухсин (1921-2005 йй.) каламига мансуб.**

1838. "Лучафэр" (1883 й.) поэмаси муаллифи кайси румин шоири? **Эминеску Михаил (Михай; асл фамилияси–Эминович, 1850–1889 йй.).**

1839. "Лукмон ва Ўроқбой" достони кайси ўзбек шоири, романнавис, Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1981 й.) каламига мансуб? **Мирсандов Мирмухсин (1921-2005 йй.) каламига мансуб.**

1840. "Лукмони Ҳаким" балладаси кайси қозоқ ёзувчиси каламига мансуб? **Олтинсарин Ибрай (1841-1889 йй.) каламига мансуб.**

1841. "Лукмони Ҳаким" пьесаси муаллифи кайси ўзбек журналисти, драматург, танкидчи, таржимон? **Гози Юнус (тахаллуси; асл-исм шарифи Юнусов Гози Мухаммад) (1887-1942 йй.).**

1842. "Луғати ситта ал-сина" (1901 й.) асари кайси маърифатпарвар шоир, олим, сайёх, матбаачи ва муаллим каламига мансуб? **Ибрат (тахаллуси; асл исм-шарифи Исҳоқхон Жунайдуллахўжа ўғли) (1862 й., Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани, 1937 й., Андижон) каламига мансуб.**

1843. "Любавинлар" (1965 й.) романи муаллифи кайси рус ёзувчиси, кинорежиссёр, сценарист?

Шукшин Василий Макарович (1929-1974 йй.).

1844. "Любавинлар" (1965 й.) романи асосида ишланган "Любавинларнинг тугатилиши" (1972 й.) фильми муаллифи кайси рус ёзувчиси, кинорежиссёр, сценарист? **Шукшин Василий Макарович (1929-1974 йй.).**

1845. "Люблинлик кўзбоғловчи" (1965 й.) романи кайси яхудий ёзувчиси, Нобель мукофоти совриндори (1978 й.) каламига мансуб? **Зингер Айзек (Исаак) Башевис (1904-1991 йй.) каламига мансуб. Келиб чиқиши польшалик.**

1846. "Людмила" (1808 й.) балладаси кайси рус шоири, Петербург ФА фахрий аъзоси (1827 й.), акад. (1841 й.) каламига мансуб? **Жуковский Василий Андреевич (1783-1852 йй.) каламига мансуб.**

1847. "Люизит" (1926 й.) романи кайси немис ёзувчиси, Халқаро мукофот совриндори (1952 й.) каламига мансуб? **Бехер Иоганнес Роберт (1891 - 1958 йй.) каламига мансуб.**

1848. "Люсидас" (1632 й.) марсияси кайси инглиз шоири, публицист каламига мансуб? **Мильтон Жон (1608-1674) каламига мансуб.**

1849. "Люсьен Левен" (1834-1836 йй.) романи кайси француз ёзувчиси каламига мансуб? **Стендаль (тахаллуси; асл исм-шарифи Анри Мари Бейль) (1783-1842 йй.) каламига мансуб.**

1850. "Лютеция" (1854 й.) асари кайси немис шоири, публицист, танкидчи ва мутафаккир каламига мансуб? **Гейне Мансуб (1797-1856 йй.) каламига мансуб.**

1851. "Люцифер" (1654 й.) трагедияси кайси нидерландиялик шоир ва драматург каламига мансуб? **Й. ван дел Вон Дел (1587-1679 йй.) каламига мансуб.**

1852. "Ляпушняну кўчаси" асари кайси румин ёзувчиси каламига мансуб? **М.Садовияну каламига**

мансуб.

1853. "Лўли бола" (1978 й.) киссаси муаллифи кайси ўзбек шоири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1973 й.)? **Кўчқорбеков Олим (1932-2015 йй.).**

1854. "Лўлининг ўн икки кўшиғи" (1907 й.) асари муаллифи кайси Греция адиби? **К. Паламас (1859-1943 йй.).**

1855. "Лўли" роман сероси (1928 й.) асари муаллифи кайси испан шоири ва драматург? **Гарсиа Лорка (1899-1936 йй.).**

1856. "Лўлилар" достони кайси рус адиби каламига мансуб? **Пушкин Александр Сергеевич (1799 -1837 йй.) каламига мансуб.**

1857. "Лўлилар ёки Зухранинг мактублари" (1964 й.) пьесаси кайси ўзбек шоири ва драматург, Ўзбекистон халқ шоири (1981 й.), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1971 й.)? **Рамз Бобожон (тахаллуси; асл исм-шарифи Бобожонов Рамз, 1921-2008 йй.).**

1858. "Лўттибоз аёл" (1896 й.) дастлабки романи кайси поляк ёзувчиси, Нобель мукофоти совриндори (1924 й.) каламига мансуб? **Реймонт Владислав Станислав (1867-1925 йй.) каламига мансуб.**

Муаллифи фақат айтилиши лозим гапларни лозим даражада айта оладиган китобларгина яхши китобдир.

Арасту

1859. "Маъбудалар" (1921 й.) шеърий тўплами муаллифи қайси Хитой ёзувчиси? **Го Мо – Жо (1892-1978 йй.).**

1860. "Маъбудалар" (1903 й.) трилогияси қайси немис ёзувчиси қаламига мансуб? **Манн Генрех (1871-1950 йй.) қаламига мансуб.**

1861. "Мавж" (1994 й.) асари муаллифи қайси ўзбек шоири, хассос, таржимон? **Матназар Абдулхаким (1948 -2010 йй.).**

1862. "Мавжуд лунё" (1934-1951 йй.) туркум романлари қайси француз ёзувчиси қаламига мансуб? **Арагон Луи (1897-1982 йй.) қаламига мансуб.**

1863. "Мавзулар ва вариациялар" (1923 й.) тўплами муаллифи қайси рус шоири, Нобель мукофоти совриндори (1958 й.)? **Пастернак Борис Леонидович (1890-1960 йй.).**

1864. "Мавж" (1965 й.) шеърий тўплами қайси ўзбек шоири, таржимон қаламига мансуб? **Азиз Абдураззоқ (1928-2007 йй.) қаламига мансуб.**

1865. "Мавъизалар дурдоналари" асари қайси ўзбек шоири қаламига мансуб? **Насафий, Абу ал-Мутиъ (? - Насаф - 930 й., араб тилида ижод қилган) қаламига мансуб.**

1866. "Мавлоно Лутфий (1366-1465 йй.) қанча туюқ яратган? **20 га якин туюқ яратган.**

1867. "Мавлоно Лутфий (1366-1465 йй.) қанча фард яратган? **31 та фард яратган.**

1868. "Мавлоно Мукимий" (1965 й.) романи муаллифи қайси ўзбек шоири, ёзувчи ва драматург; Ўзбекистон халқ шоири (1965 й.), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1944 й.)? **Собир Абдулла (тахаллуси; асл исм-шарифи Абдуллаев Собир) (1905-1972 йй.).**

1869. "Мавлоно Ориф Деггароний" (2008 й.) асари муаллифи қайси ўзбек шоири, таржимон, олим, "Мехнат шухрати" (1999 й.) ҳамда "Филокорона хизматлари учун" (2005 й.) орденлари совриндори? **Садриддин Салим Бухорий (1946-2010 йй.).**

1870. "Магеллан" (1938 й.) романи қайси Австрия ёзувчиси қаламига мансуб? **Цвейг Стефан (1881-1942 йй.) қаламига мансуб.**

1871. "Магистрал" (1969 й.) романи қайси Молдавия халқ ёзувчиси (1982 й.) қаламига мансуб? **Буков Емилиан Нестерович (1909-1984 йй.) қаламига мансуб.**

1872. "Магнитофоннинг охирги тасмаси" (1959 й.) асари қайси ирландиялик шоир, драматург ва романнавис; модернизм вакили, инглиз ва француз тилларида ижод қилган, Нобель мукофоти совриндори (1969 й.) қаламига мансуб? **Беккет Сэмюэль (1906-1989 йй.) қаламига мансуб.**

1873. "Мадад бер" асари муаллифи қайси уйғур шоири? **Абдулхолиқ Абдурахмон ўғли (тахаллуси; Уйғур) (1900-1932 йй.).**

1874. "Маъдан ул-адвия" ("Дори-дармонлар маъбаи") асари қайси табиб, тарихчи ва адиб қаламига мансуб? **Махмуд Хаким Яйфоний (тўлиқ номи Махмуд ибн мулло Шодимуҳаммад Яйфоний) (1850-1930 йй.) қаламига мансуб.**

1875. "Маданий жумбоқлар" (1914 й.) китоби қайси ўзбек шоири, драматург, публицист қаламига мансуб? **Иброҳим Даврон (тахаллуси; асл исм-шарифи Мираъзам Иброҳим ўғли) (1874-Қўқон -1922 й.) қаламига мансуб.**

1876. "Маданий қатра" (1931 й.) асари қайси

Ўзбекистон халқ шоири (1963 й.), Ўзбекистон ФА акад. (1943 й.), ҳикоянавис, драматург, таржимон қаламига мансуб? **Ғафур Ғулом (тахаллуси; асл исм-шарифи Ғуломов Ғафур) (1903-1966 йй.) қаламига мансуб.**

1877. "Маданият" тушунчасини белгилаш юзасидан қайдлар (1948 й.) асари кайси инглиз-америкалик шоир ва адабий танқидчи, Нобель мукофоти совриндори (1948 й.) қаламига мансуб? **Элиот Томас Стериз (1888-1965 йй.) қаламига мансуб.**

1878. "Маданиятлилар" (1901 й.) пьесаси кайси инглиз ёзувчиси, драматург, Нобель мукофоти совриндори (1932 й.) қаламига мансуб? **Голсуорси Жон (1867-1933 йй.) қаламига мансуб.**

1879. "Мадлен Фера" (1868 й.) романи кайси француз ёзувчиси қаламига мансуб? **Золя Эмиль (1840-1902 йй.) қаламига мансуб.**

1880. "Мадмуазель Фифи" романи кайси француз ёзувчиси қаламига мансуб? **Мопассан Ги (тўлиқ исм-шарифи Анри Рене Альбер Ги) де (1850 - 1893 йй.) қаламига мансуб.**

1881. "Мадонна Лауранинг ҳаётига" асари кайси итальян шоири, итальян адабий тили асосчиларидан бири, файласуф қаламига мансуб? **Петрарка Франческо (1304-1374 йй.) қаламига мансуб.**

1882. "Мадонна лауранинг ўлимига" асари кайси итальян шоири, итальян адабий тили асосчиларидан бири, файласуф қаламига мансуб? **Петрарка Франческо (1304-1374 йй.) қаламига мансуб.**

1883. "Мадоин харобалари" (1159 й.) қасидаси муаллифи кайси Озарбайжон шоири ва мутафаккир? **Хоқоний Ширвоний (тўлиқ исм-шарифи Афзалиддин Бадил ибн Али) (1120-1199 йй.).**

1884. "Мадор кетганда" (1948 й.) ҳикояси кайси уйғур ёзувчиси, драматург, янги давр уйғур адабиёти асосчиси қаламига мансуб? **Зунцуп Қодирий (1912-1989 йй.) қаламига мансуб.**

1885. "Мадрасага мулла келди" (1916-1917 йй.) пьесаси кайси кўмик шоири қаламига мансуб? **Ботирмирзаев Зайналобиддин Нўҳаевич (1897-1919 йй.) қаламига мансуб (Ботирмирзаев Нўҳай (1869-1919 йй., отаси).**

1886. "Мадрид" (1938 й.) драмаси муаллифи кайси Озарбайжон халқ ёзувчиси (1961 й.), Озарбайжон ФА акад. (1945 й.)? **Иброҳимов Мирза Аждар ўғли (1911 йилда туғилган).**

1887. "Мадянлар фожиаси" достони кайси ўзбек шоири, ёзувчи қаламига мансуб? **Жонибек Субҳон (тахаллуси; асли исм-шарифи Жонибек Сувонқулов) (1944-2008 йй.) қаламига мансуб.**

1888. "Мадҳия матзи" (1954 й.) шеърий тўпламидаги кайси мексикалик шоир, Нобель мукофоти совриндори (1990 й.) қаламига мансуб? **Пас Октавио (1914-1998 йй.) қаламига мансуб.**

1889. "Маҳдуми ҳозиқ" (1940 й.) драмаси кайси тожик шоири, драматург қаламига мансуб? **Дехотий Абдусалом Ширмуҳаммадзода (1911 й., Самарқанд – 1962 й., Душанба) қаламига мансуб.**

1890. "Маёқ сари" (1961 й.) очерклари муаллифи кайси ўзбек адиби? **Назир Ҳаким.**

1891. "Мажвидас" (1977 й.) драматик достони кайси Литва халқ шоири (1978 й.) қаламига мансуб? **Марцинкявичюс Юстинас Мотеюс (1930 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

1892. "Маждидин ва Фахрунисо" (1899 й.) достони кайси шоир ва хаттот қаламига мансуб? **Мирий (тахаллуси; асл исм-шарифи Очилдимурод Неъматилла ўғли) (1830-Каттақўрғон-1899 йй.) қаламига мансуб.**

1893. "Мажлисда" (1934 й.) очерки муаллифи кайси ўзбек ёзувчиси? **Парда Турсун (1909-1957 йй.).**

1894. Мажлисий (XV аср охири ва XVI аср, 1-ярми) - ўзбек шоири, асли хоразмлик бўлиб, кейинроқ Бухо-

рога кўчиб борган. Унинг 4 минг миралик қайси достони бизгача етиб келган? **"Қиссаи Сайфулмулук" достони бизгача етиб келган.**

1895. "Мажусийлик кўшиклари" (1896 й.) шеърий тўплами муаллифи қайси Никарагуа шоири? **Дарио Рубен (1867-1916 йй.).**

1896. "Мажнун Лайли кўйида юрган итни ўпиб, эркалагани" эртаги қайси шоир ва мутафаккир қаламига мансуб? **Румий Жалолиддин (1207-1273 йй.) қаламига мансуб.**

1897. "Мажнун ва Лайли" асари қайси араб (Миср) шоири, драматург қаламига мансуб? **Шавқий Ахмад (1868-1932 йй.) қаламига мансуб.**

1898. "Мажнунсоат" (2012 й.) асари қайси шоира қаламига мансуб? **Гўзал Бегим (1974 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

1899. "Мажнунтол" асари қайси ўзбек шоири, драматург, кино сценарист. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1962 й.) қаламига мансуб? **Туроб Тўла (тахаллуси; фамилияси Тўлахўжаев, 1918-1990 йй.) қаламига мансуб.**

1900. "Мажнунтол йиғиси" (1991 й.) достони қайси ўзбек адиби, Ўзбекистон халқ шоири (1998 й.), "Меҳнат шуҳрати" (2003 й.), Халқаро Бобур ва Чўлпон мукофотлари соҳиби қаламига мансуб? **Тўлан Низом (1938 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

1901. "Мажҳул ишдо" (1939 й.) романи қайси араб (Миср) ёзувчиси, Араб тили Академияси (Қохира) нинг ҳақиқий аъзоси қаламига мансуб? **Таймур Махмуд (1894 й., Қохира - 1973 й., Швейцария) қаламига мансуб.**

1902. "Мазена" (1818 й.) драмаси муаллифи қайси инглиз шоири? **Байрон Жорж Ноэл Гордон (1788-1824 йй.).**

1903. "Мазлума хотин" (1915 й.) пьесаси қайси ўзбек шоири қаламига мансуб? **Ҳожи Муин Шукрулло ўғли (1883-1942 йй.) қаламига мансуб.**

1904. "Мазлумлар жамоаси" (1946 й.) романи муаллифи қайси турк ёзувчиси, драматурги, таржимони? **Гунтекин Рашод Нури (1892-1956 йй.).**

1905. "Мазҳар ул-мусаннифин" асари қайси таниқли форс-тожик шоири, адабиётшуноси, таржимони (тўлиқ исми-шарифи Муҳаммад Амин ибн Нурмуҳаммад Насафий) (XVIII аср, Карши) қаламига мансуб.

1906. "Маис одамлар" романи муаллифи қайси гватемалалик журналист, ёзувчи, шоир? **Анхел Астурайс Мигель.**

1907. "Май гуллари" (1957 й.) повести қайси қорақалпоқ шоири қаламига мансуб? **Турумбетов Хўжамурот (1922-1968 йй.) қаламига мансуб.**

1908. "Май ёмғири" (1957 й.) романи муаллифи қайси бошқирд ёзувчиси? **В. Валиев.**

1909. "Майда ўғри Мартин" романи қайси инглиз ёзувчиси, Нобель мукофоти совриндори (1983 й.) қаламига мансуб? **Голдинг Уильям (1911 - 1993 йй.) қаламига мансуб.**

1910. "Майда қор" (1943-1948 йй.) романи қайси япон адиби қаламига мансуб? **Дзюньпиро Танидзаки қаламига мансуб.**

1911. "Майдон" (1999 й.) романи қайси ўзбек ёзувчиси, шоир, драматург. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1991), "Дўстлик" ордени соврндори қаламига мансуб? **Омон Мухтор Омон Сулаймонович) (1941-2013 йй.) қаламига мансуб.**

1912. "Майдон ёлғизлиги" (1951 й.) романи қайси япон ёзувчиси қаламига мансуб? **Хотта Ешио (1918-1998 йй.) қаламига мансуб.**

1913. "Майдон соатлари" асари қайси турк ҳажвий ёзувчиси, драматург қаламига мансуб? **Азиз Несин (тахаллуси; асл исми - Махмуд Нусрат) (1915-1995 йй.) қаламига мансуб.**

1914. "Майли, майли" (1972 й.) пьесаси муаллифи қайси ўзбек ёзувчиси, драматург, публицист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1990 й.)? **Иброхимов Абдуқаххор Абдусаматович (1939 йилда туғилган).**

1915. "Майлибой" (1953 й.) поэмаси қайси Қирғизистон халқ шоири (1945 й.), Қирғизистон ФА акад. (1954 й.), Қирғизистон Ёзувчилар уюшмаси бошқаруви раиси (1934-1949 йй.) қаламига мансуб? **Тўқумбоев Аали (тахаллуслари Балка, Чалкар) (1904-1988 йй.) қаламига мансуб.**

1916. "Майлз Стэндишнинг уланштирилиши" (1858 й.) эпик достони қайси америкалик адиб қаламига мансуб? **Лонгфелло Генри Уодсуорт (1807 - 1882 йй.) қаламига мансуб.**

1917. "Маймун йили" (1967 й.) шеърий китоби қайси козоқ шоири қаламига мансуб? **Сулаймонов Ўлжас Умарович (1936-2005 йй.) қаламига мансуб.**

1918. "Маймун" (1951 й.) романи қайси француз ёзувчиси, Франция ФА аъзоси, Нобель мукофоти совриндори (1952 й.) қаламига мансуб? **Мориак Франсуа (1885-1970 йй.) қаламига мансуб.**

1919. "Маймун етаклаган одам" (2004 й.) асари қайси ўзбек ёзувчиси қаламига мансуб? **Назар Эшонқул (1962 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

1920. "Маймунжон" (1926 й.) романи қайси турк ёзувчиси қаламига мансуб? **Мехмет Рауф (1875-1931 йй.) қаламига мансуб.**

1921. "Маймунтоғдаги туш" (1968 й.) пьесаси қайси тринидадлик шоир, драматург, Нобель мукофоти совриндори (1992 й.) қаламига мансуб? **Уолкотт Дирек, Волкотт (1930 й., Тринидад ороли, Сент-Люсия ш) қаламига мансуб.**

1922. "Майор Барбара" (1905 й.) пьесаси қайси инглиз ёзувчиси, драматург, Нобель мукофоти совриндори (1925 й.) қаламига мансуб? **Шоу Жорж Бернард (1856 - 1950 йй.) қаламига мансуб.**

1923. "Майра" пьесаси муаллифи қайси козоқ шоири ва драматург, филология фанлари доктори (1971 й.)? **Тожибоев Абдулла (1909 й.).**

1924. "Майса" (1958 й.) романи муаллифи қайси француз ёзувчиси, Нобель мукофоти совриндори (1985 й.)? **Симон Клод (1913 йилда туғилган).**

1925. "Майса япроклари" (1855-1891 йй.) асарлар гўплами муаллифи қайси америкалик шоир? **Уитмен Уолт (1819-1892 йй.).**

1926. "Майсалар уйғонган тонг" (2012 й.) асари қайси ўзбек ёзувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист (1999 й.) қаламига мансуб? **Жўраев Анвар (1956 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

1927. "Майсаранинг иши" (1926 й.) драмаси қайси Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1926 й.) қаламига мансуб? **Хамза Хакимзода Ниёзий (1889-1929 йй.) қаламига мансуб.**

1928. "Майсаранинг иши" комедияси қайси ўзбек шоири, драматург, публицист, Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1969 й.) Ўзбекистон ФА акад. (1968 й.), Меҳнат Қаҳрамони (1974 й.), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1939 й.) Ҳ. Носироваинг турмуш ўртоғи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси (1958-1980 йй.) қаламига мансуб? **Яшин, Комил Яшин (тахаллуси; асл исм-шарифи Нуъмонов Комил) (1909-1997 йй.) қаламига мансуб.**

1929. "Майсаранинг иши" опера-либреттоси муаллифи қайси ўзбек шоири, ёзувчи ва драматург, Ўзбекистон халқ шоири (1965 й.), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1944 й.)? **Собир Абдулла (тахаллуси; асл исм-шарифи Абдуллаев Собир) (1905-1972 йй.).**

1930. "Майсур йўлбарси" (1890-1891 йй.) романи муаллифи қайси ҳинд ёзувчиси? **Аптє Хари Нарази (1864-1919 йй.).**

1931. "Майхона" достони муаллифи қайси Шарқ

шоири? **Зилолий Хонсорий (туғилган йили номаълум-1616 й.). Ҳаким Хонсорий номида ҳам асарлар ёзган. Сафавийлар Аббос I (1587-1616 йй.) замонида яшаган.**

1932. "Майхўр" (1952 й.) асари қайси нигериялик адиб қаламига мансуб? **А. Тутуола қаламига мансуб.**

1933. "Майя хоналони" романи қайси португал ёзувчиси қаламига мансуб? **Эса ди Керош (1845-1900 йй.) қаламига мансуб.**

1934. "Макар Дубрава" (1948 й.) пьесаси муаллифи қайси украин драматурги ва давлат арбоби, Украина ФА (1939 й.), собиқ Иттифоқ ФА акад. (1943 й.)? **Корнейчук Александр Евдокимович (1905-1972 йй.).**

1935. "Макр" романи қайси мадагаскарлик ёзувчи қаламига мансуб? **Э. Д. Андриамалала қаламига мансуб.**

1936. "Макр ва муҳаббат" (1782 й.) драмаси муаллифи қайси немис шоири ва драматург? **Шиллер Иоганн Кристоф Фридрих (1759-1805 йй.).**

1937. "Макрми ё муҳаббат" (2005 й.) киссаси қайси ўзбек ёзувчиси қаламига мансуб? **Ҳабиб Темур (1954 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

1938. "Макбет" (1606 й.) трагедиялари қайси инглиз адиби қаламига мансуб? **Шекспир Уильям (1564-1616 йй.) қаламига мансуб.**

1939. "Маконде ҳаёти" романи қайси танзаниялик адиб қаламига мансуб? **Ж. Мбонде қаламига мансуб.**

1940. "Маккалик қиз" романи қайси жазоирлик адиб қаламига мансуб? **Ахмад Ридо - Ҳуху қаламига мансуб.**

1941. "Максим Горький" (1948 й.) достони қайси хоразмлик ёзувчи, таржимашунос, олим қаламига мансуб? **Шарипов Жуманиёз (1911-2002 йй.) қаламига мансуб.**

1942. Максим Горький қайси лазгин шоири ва оқин "XX аср Гомери" деб атаган? **Сулаймон Стальский (1869-1937 йй.)ни "XX аср Гомери" деб атаган.**

1943. "Мактаб" (1930 й.) қиссаси қайси рус болалар ёзувчиси қаламига мансуб? **Гайдар Аркадий Петрович (асл фамилияси Голиков; 1904 - 1941 йй.) қаламига мансуб.**

1944. "Мактаб сахнаси" (1988 й.) асари қайси фантаст ёзувчи ва публицист, ўзбек илмий-бадиий фантастикаси асосчиларидан. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1997 й.) қаламига мансуб? **Шайхов Ҳожиакбар 1945-2002 йй., ота-боболари асли тошкентлик бўлиб, Шарқий Туркистонга кўчиб кетишган ва 1955 йили ватанига қайтишган. Тошкент политехника институтининг энергетика факультетини тугатган (1971 й.) қаламига мансуб.**

1945. "Мактаб шогирди" асари муаллифи қайси озарбайжонлик шоир? **Аббос Саҳҳат Меҳдизода.**

1946. "Мактабга муҳаббатлик бола оғзидан" асари қайси ўзбек шоири қаламига мансуб? **Василий (тахаллуси; асл исм-шарифи Саид Ахмад ута Азим ўғли) (1870 й.-Самарқанд-1925 й.) қаламига мансуб.**

1947. "Мактабдошларим" (1952 й.) илк шеърий тўплами муаллифи қайси ўзбек ёзувчиси? **Жонрид Абдуллахонов (1929-2015 йй.).**

1948. "Мактабим, устозим" (1965 й.) киссаси муаллифи қайси Тожикистон халқ ёзувчиси (1979 й.), драматург? **Икромий Жалол (1909 й., Бухоро-1993 й., Душанба).**

1949. "Мактабим" (1957 й.) илк шеъри қайси ўзбек шоири, ёзувчи қаламига мансуб? **Комил Аваз (1942 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

1950. "Мактуб" асари муаллифи қайси ўзбек шоири? **Ҳайрат (тахаллуси, асл исм-шарифи Умрзок Холбой ўғли; 1845-1915 йй.).**

1951. "Мактуб" (1994 й.) асари қайси бразилиялик ёзувчи қаламига мансуб? **Пауло Коэльо (1947 йилда туғилган).**

1952. "Мактублар" (1951 й.) ҳикоялар тўплами муаллифи қайси Эрон ёзувчиси? **Бўзург Алавий (1904-1997 йй.).**

1953. "Мактублар" (1952 й.) шеърлар тўплами қайси фаластинлик араб шоири, драматург, публицист, жамоат арбоби, Халқаро "Нилуфар" мукофоти совриндори (1980 й.) қаламига мансуб? **Бесу Мунн (1928 й., Газза - 1984 й., Лондон) қаламига мансуб.**

1954. "Мактубчаи хон" (1884 й.) достони муаллифи қайси ўзбек шоири? **Умидий (Ҳавоий, Маргилоний - тахаллуслари; асл исм - шарифи Мухаммадумар Неъматулла охун ўғли) (1835-1905 йй.).**

1955. "Макул" ҳажвий эртаги қайси комилик шоир, тилшунос, Коми адабиётининг асосчиси қаламига мансуб? **Куратов Иван Алексеевич (1839-1875 йй.) қаламига мансуб.**

1956. "Маккайи Мукаррама, Мадинайи Мунаввара" (1992 й.) асари қайси Ўзбекистон халқ шоири (1992 й.) қаламига мансуб? **Жамол Камол (1938 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

1957. "Малайларга ўгитлар" (1745 й.) ҳажвий асари муаллифи қайси инглиз ёзувчиси? **Свифт Жонатан (1667 – 1745 йй.).**

1958. "Малавика ва Агнимитра" драмаси муаллифи қайси ҳинд шоири ва драматург? **Калидаса (тахм., V аср).**

1959. "Малаклар сураги" (2005 й.) шеърий тўплами қайси ўзбек адиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими қаламига мансуб? **Ҳакимов Охунжон (1934 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

1960. "Малини" (1895 й.) драмаси муаллифи қайси ҳинд адиби, Нобель мукофоти совриндори (1913 й.)? **Тагор Рабиндранат (Тҳакур Робиндронатх, 1861-1941 йй.).**

1961. Малик ул-калом (араб. сўз подшоси) деб Алишер Навоий қайси адибга баҳо берган? **Мавлоно Лутфийга баҳо берган.**

1962. Малик уш-шуаро (араб. шоирлар шоҳи) Шарқда шоирлар ва ёзувчиларнинг энг пешқадамларига подшолар саройларида берилган расмий фахрий унвон қайси адибларга берилган? **Эронда Баҳорга, Афғонистонда Бетобга Малик уш-шуаро унвони берилган.**

1963. "Маликаи Дилором" достони қайси ўзбек шоираси қаламига мансуб? **Муштарий (тахаллуси; асл исм - шарифи Саодат) (1810/11 й., Қўқон - ?) қаламига мансуб.**

1964. "Малика Мален" (1889 й.) эртак - пьесаси қайси бельгиялик шоир, драматург, Нобель мукофоти совриндори (1911 й.) қаламига мансуб? **Метерлинк Морис (1862-1949 йй.) қаламига мансуб.**

1965. "Маликаи Туронзод" (1762 й.) асари муаллифи қайси италиялик драматург? **Гоцци Карло (1720-1806 йй.).**

1966. "Маломат тошлари" (1976 й.) шеърий тўплами қайси ўзбек шоири ва жамоат арбоби, Ўзбекистон халқ шоири (1990 й.), Ўзбекистон Қаҳрамони (1998 й.), Ҳамза номидаги (1983 й.) ҳамда Алишер Навоий номидаги (1992 й.) Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори қаламига мансуб? **Орипов Абдулла (1941-2016 йй.) қаламига мансуб.**

1967. "Малон ўляпти" (1951 й.) романи қайси ирландиялик шоир, драматург ва романнавис; модернизм вакили, инглиз ва француз тилларида ижод қилган, Нобель мукофоти совриндори (1969 й.) қаламига мансуб? **Беккет Сэмюэль (1906 -1989 йй.) қаламига мансуб.**

1968. "Малохат" сценарийси қайси адабиётшунос, танқидчи, драматург, Ўзбекистон ФА акад. (1995 й.) қаламига мансуб? **Иззат Султон (тўлиқ**

исм-шарифи Изат Отахонович Султонов) (1910-2001 йй.) қаламига мансуб.

1969. "Мальталик яҳудий" (1588 й.) тарихий трагедияси қайси инглиз шоири ва драматург қаламига мансуб? **Марло Кристофер (1564-1593 йй.) қаламига мансуб.**

1970. "Мамлакат манфаатлари ҳамма нарсадан устун" (1943 й.) драмаси муаллифи қайси Хитой халқ ёзувчиси? **Лао Шэ (тахаллуси; асл исм-шарифи Шу Шэюй) (1899 -1966 йй.).**

1971. "Мамлакат офтоби" (1936 й.) достони қайси тожик шоири, Тожикистон халқ шоири (1961 й.), Меҳнат Қаҳрамони (1967 й.), Тожикистон ФА акад. (1951 й.), тожик драматургияси асосчиларидан бири қаламига мансуб? **Мирзо Турсунзода (1911-1977 йй.) қаламига мансуб.**

1972. "Мамлакатдаги вазият" (1938 й.) асари қайси бельгиялик адиб қаламига мансуб? **М. Кенум қаламига мансуб.**

1973. "Мамлакатлардан бирида" ҳажвий ҳикоялари тўплами қайси турк ҳажвий ёзувчиси, драматург қаламига мансуб? **Азиз Несин (тахаллуси; асл исми - Маҳмуд Нусрат) (1915-1995 йй.) қаламига мансуб.**

1974. "Мамлакатнинг таянч нуқтаси" (2004 й.) китоби қайси ўзбек адиби, Ўзбекистон халқ шоири (1999 й.) қаламига мансуб? **Тўра Сулаймон (1934 -2005 йй.) қаламига мансуб.**

1975. "Мамлуклар зулми" (1893 й.) романи қайси араб ёзувчиси, публицист ва олим қаламига мансуб? **Зайдон Журжи (1861-1914 йй.) қаламига мансуб.**

1976. "Мамади Мўзалонбекнинг саёҳати" асари қайси Озарбайжон ёзувчиси қаламига мансуб? **Ҳақбердиев Абдурахимбек Асадбек ўғли (1870-1933 йй.) қаламига мансуб.**

1977. "Маманбой афсонаси" (1968 й.) романи

қайси Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат мукофоти (1967 й.) ва Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти (1971 й.) совриндори, Ўзбекистон (1994 й.) ва Қорақалпоғистон (1974) халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони (2003 й.) қаламига мансуб? **Қайыпбергенов Тўлепберген (1929 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

1978. "Маманбий" драмаси қайси қорақалпоқ адиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ артисти (1973 й.), Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат мукофоти совриндори (1960) қаламига мансуб? **Хўжаниёзов Сапар (1913 - 1983 йй.) қаламига мансуб.**

1979. "Мамита Юнай" романи қайси Коста - Рика адиби қаламига мансуб? **К. Л. Фольяс қаламига мансуб.**

1980. "Мампу неъмат" романи қайси мадагаскарлик ёзувчи қаламига мансуб? **Э. Д. Андриамалала қаламига мансуб.**

1981. "Мамай" асари қайси рус ёзувчиси қаламига мансуб? **Замятин Евгений Иванович (1884-1937 йй.) қаламига мансуб.**

1982. "Манас" (1946 й.) опера-либреттоси қайси қирғиз шоири ва драматург, Қирғизистон халқ шоири (1969 й.) қаламига мансуб? **Маликов Кубанычбек Иманалиевич (1911 й.) қаламига мансуб.**

1983. "Манас ватандошлари" (1941 й.) достони қайси Қирғизистон халқ шоири (1945 й.), Қирғизистон ФА акад. (1954 й.), Қирғизистон Ёзувчилар уюшмаси бошқаруви раиси (1934-1949 йй.) қаламига мансуб? **Тўқумбоев Аали (тахаллуслари Балка, Чалкар) (1904-1988 йй.) қаламига мансуб.**

1984. "Манас" эпоси асосида биринчи қирғиз операси "Ойгўзали" (1939 й.) қайси муаллифлар томонидан яратилган? **Власов, Молдибаев, Ферс томонидан яратилган.**

1985. "Мана - фай" асари кайси сомалилик адиб қаламига мансуб? **Мухаммад Дахир Афрах қаламига мансуб.**

1986. "Мангу булок" достони кайси қоракалпок шоири ва драматург, Ўзбекистон ва Қоракалпогистон халқ шоири (1975 й.), Ўзбекистон Қахрамони (2004 й.) қаламига мансуб? **Юсупов Ибраним (1929 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

1987. "Мангу ёшлик" достони кайси молдаван адиби қаламига мансуб? **Л. Деляну қаламига мансуб.**

1988. "Мангу жанг" (1967 й.) асари кайси рус ёзувчиси, Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори (1970 й.) қаламига мансуб? **Карпов Владимир Васильевич (1922 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

1989. "Мангу жанг" (1985 й.) романи кайси ўзбек ёзувчиси, "Меҳнат шуҳрати" ордени (1999 й.) совриндори қаламига мансуб? **Мансуров Муроджон (1941-2014 йй.) қаламига мансуб.**

1990. "Мангу куй излаб" (1979 й.) фантастик асари кайси ўзбек ёзувчиси, филология фанлари номзоди, "Меҳнат шуҳрати" ордени совриндори (1998 й.) қаламига мансуб? **Махмудов Махкам (1940 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

1991. "Мангу табассум" (1920 й.) драмаси муаллифи кайси швед ёзувчиси ва драматург, Швеция ФА акад. (1940 й.), Нобель мукофоти совриндори (1951 й.)? **Лагерквист Пер Фабиан (1891-1974 йй.).**

1992. "Мангу олов" (1972 й.) пьесаси муаллифи кайси ўзбек шоири? **Назармат (Назармат Эгамназаров, 1917-2009 йй.).**

1993. "Мангу ризк" асари кайси рус шоири қаламига мансуб? **Вознесенский Андрей Андреевич (1933 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

1994. "Мангу сайёҳлар" (1910 й.) романи муал-

лифи кайси Дания романнависи, драматург, Нобель мукофоти совриндори (1917 й.)? **Карл Гьеллеруп Адолф (1857–1919 йй.).**

1995. "Мангу соғинч ҳақида қўшиқ" поэмаси қайси хитойлик шоир қаламига мансуб? **Бо Цзюй - и (772-846 йй.) қаламига мансуб.**

1996. "Мангу томирлар" (1960 й.) асари қайси козоқ ёзувчиси, Абай номидаги Қозоғистон Давлат мукофоти (1967 й.) ва Халқаро Неру мукофоти совриндори (1969 й.) қаламига мансуб? **Олимжонов Анвар (Алимжонов Ануар) (1930 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

1997. "Мангу қўшиқ" (1908 й.) достони кайси Белоруссия халқ шоири (1925 й.), Белоруссия ФА акад. (1928 й.) қаламига мансуб? **Купала Янка (тахаллуси, асл исм-шарифи Иван Доминикович Луцевич) (1882-1942 йй.) қаламига мансуб.**

1998. "Мангулик" (1951 й.) пьесаси кайси ҳинд ёзувчиси, кинодраматург қаламига мансуб? **Хўжа Аҳмад Аббос (1914-1987 йй.) қаламига мансуб.**

1999. "Мангулик" (1961 й.) балладаси кайси ўзбек адиб қаламига мансуб? **Шуҳрат (Алимов Ғулом Аминжонович) (1918-1993 йй.) қаламига мансуб.**

2000. "Мангулик" (1978 й.) романи кайси шоир, драматург, Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1979 й.) қаламига мансуб? **Ҳамид Ғулом (Ғуломов Ҳамид Убайдуллаевич) (1919-2005 йй.) қаламига мансуб.**

2001. "Мангулик" (1918 й.) асари кайси испан шоири, Нобель мукофоти совриндори (1956 й.) қаламига мансуб? **Хименес Хуан Рамон (1881-1958 йй.) қаламига мансуб.**

2002. "Мангулик рақси" (1941 й.) поэмаси кайси арман ёзувчиси қаламига мансуб? **Зарьян Наири (тахаллуси; асл исм-шарифи Айастан Егиазарян, 1901 -1969 йй.) қаламига мансуб.**

2003. "Мангулик қўшиғи" (1970 й.) киссаси кайси

Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1976 й.). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1966 й.). Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори (1983 й.), драматург қаламига мансуб? **Иброҳим Раҳим (тахаллуси, тўлиқ исм-шарифи Рахимов Иброхим Абдурахимович) (1916-2001 йй.) қаламига мансуб.**

2004. "Мангулик" ҳикояси муаллифи қайси венгер ёзувчиси? **Залка Мате (1896-1937 йй.).**

2005. "Мангулик йўлида" (2005 й.) асари муаллифи қайси ўзбек ёзувчиси, драматург, публицист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1990 й.)? **Иброҳимов Абдуқаҳҳор Абдусаматович (1939 йилда туғилган).**

2006. "Манзаралар" (1879 -1880 йй.) шеърлар туркуми муаллифи қайси поляк ёзувчиси? **Конопницкая Мария (1842-1920 йй.).**

2007. "Манзаралар" (1939 й.) тўплами муаллифи қайси ҳинд ёзувчиси **Кришан Чандар (1913-1977 йй.).**

2008. "Манзил" асари муаллифи қайси ўзбек шоири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1977 й.)? **Тошпўлат Ҳамид (Ҳамидов Тошпўлат Ҳакимович), (1927-1984 йй.).**

2009. "Манзил узоқ" асари муаллифи қайси уйғур шоири? **Абдулҳолиқ Абдурахмон ўғли (тахаллуси; Уйғур) (1900-1932 йй.).**

2010. "Манзиллар" (1971 й.) шеърий тўплами қайси Ўзбекистон халқ шоираси (1992 й.) қаламига мансуб? **Ҳожиева Ойдин (1942 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

2011. "Манзумоти тарихий" асари қайси ўзбек шоири ва ёзувчи қаламига мансуб? **Хумулий, Жумақули ибн Сўфий Тағойи турк Ургутий Самарқандий (XIX аср) қаламига мансуб.**

2012. "Мажнун" (1957 й.) достони қайси форс шоири, адабиётшунос ва санъатшунос қаламига мансуб? **Нима Юшиж (тахаллуси; асл исм-шарифи Али Исфан Днёрий, 1897-1960 йй.) қаламига мансуб.**

2013. "Манёвр" (1931 й.) достони муаллифи қайси ўзбек шоири, ёзувчи ва драматург, Ўзбекистон халқ шоири (1965 й.), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1944 й.)? **Собир Абдулла (тахаллуси; асл исм-шарифи Абдуллаев Собир) (1905-1972 йй.).**

2014. "Мансабдорлар" (1798 й.) асари муаллифи қайси рус шоири? **Державин Гаврила Рамонович (1743-1816 йй.).**

2015. "Мансабга кўтариш" (1954 й.) романи муаллифи қайси француз ёзувчиси, Нобель мукофоти совриндори (1985 й.)? **Симон Клод (1913 йилда туғилган).**

2016. "Мансур ва Ситора" (1916 й.) асари қайси озарбайжонлик ёзувчи, драматург қаламига мансуб? **Жаъфар Жабборли (1899-1934 йй.) қаламига мансуб.**

2017. "Манманлик комедияси" (1934 й.) пьесаси муаллифи қайси Япония ёзувчиси, Нобель мукофоти совриндори (1968 й.)? **Кавабата Ясунари (1899-1972 йй.).**

2018. "Мантиқ ут-тайр" (1175 й.) асари қайси мутасаввиф шоир қаламига мансуб? **Фаридиддин Аттор (тахаллуси; асл исм-шарифи Муҳаммад Абу Бакр ибн Иброхим) (тахм. 1148/51 й. - Нишопур - 1219/21 й.) қаламига мансуб.**

2019. "Мануэла Санчес" (1949 й.) трагедияси муаллифи қайси испан ёзувчиси? **Сесар Муньос Аркопада.**

2020. "Манфаатлар ўйини" (1919 йилда рус тилига таржима қилинган) пьесаси муаллифи қайси испан драматурги, Нобель мукофоти совриндори (1922 й.)? **Бенавенте-и – Мартинес Хосе (1866-1954 йй.).**

2021. "Манфред" (1817 й.) драмаси муаллифи қайси инглиз шоири? **Байрон Жорж Ноэл Гордон**

(1788-1824 йй.).

2022. "Маънавий камолот йўлларида" (2001 й.) асари қайси адабиётшунос олим, танқидчи, Ўзбекистон Қаҳрамони (2002 й.) қаламига мансуб? **Шарафиддинов Озод Обидович (1929-2005 йй.) қаламига мансуб.**

2023. "Маънавий қаллоқлик окибатлари" прозаиг асари қайси австриялик ёзувчи қаламига мансуб? **К. Байер қаламига мансуб.**

2024. "Мангит ҳукмдорлари тарихи" (1906-1907 йй.) асари қайси ўзбек тарихчи олим, хаттот қаламига мансуб? **Мирзо Абдулазим Сомий Бўстоний (1839 й. -Бухоро, Бўстон қишлоғи (ҳозирги Қизилтепа тумани) - 1908 й.) қаламига мансуб.**

2025. "Маобит дафтари" (1942-1944 йй.) шеърлар туркуми (1956 йил ўзбек тилига таржима қилинган) муаллифи қайси татар шоири, татар опера ва балет театри асосчиларидан бири? **Муса Жалил (тахаллуси, асл исм-шарифи Жалилов Мусо Мустафович (1906-1944 йй.).**

2026. "Маро" (1887 й.) достони қайси арман ёзувчиси қаламига мансуб? **Туманян Ованес Тадевосович (1869-1923 йй.) қаламига мансуб.**

2027. "Марал" (1912 й.) драмаси қайси Озарбайжон шоири, драматург қаламига мансуб? **Жовид (тахаллуси; асл исми-шарифи Расизода) (1884-1944 йй.) қаламига мансуб.**

2028. "Маракот жарлиги" (1929 й.) илмий-фантастик асари муаллифи қайси инглиз ёзувчиси? **Дойл Артур Конан (1859-1930 йй.).**

2029. "Марварид" (1910 й.) шеърий тўплами қайси рус шоири қаламига мансуб? **Гумилёв Николай Степанович (1886-1921 йй.) қаламига мансуб.**

2030. "Марварид" (1985 й.) шеърий тўплами қайси ўзбек ёзувчиси, шоир, драматург, Ўзбекистонда

хизмат кўрсатган санъат арбоби (1991), "Дўстлик" ордени совриндори қаламига мансуб? **Омон Мухтор (тахаллуси; асл исм-шарифи Мухторов Омон Сулаймонович) (1941-2013 йй.) қаламига мансуб.**

2031. "Марварид" (1946 й.) романи қайси индонез ёзувчиси қаламига мансуб? **Искандар Нур Султан (Нурсинах Искандар тахаллуси билан ҳам ижод этган, 1893 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

2032. "Марварид доналар" (2008 й.) шеърий тўплами қайси ўзбек шоири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1999 й.) қаламига мансуб? **Ғулом Шомурод (1937 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

